



ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК — ЭНГ КАТТА САОДАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 8 май куни пойтахтимиздаги Ғалаба боғига ташриф буюрди.



Хотира — энг эгу фазилатлардан. Бугун мамлакатимиздаги ислохотлар моҳиятига назар ташласак, ана шу хислатнинг умуминсоний қадриятга, устувор ва долзарб вазифага айланиб бораётганини кўраемиз. Бинобарин, кексаларни улуғлаш, муҳтожларга суянч бўлиш, ёрдам кўрсатиш борасидаги савий-ҳаракатлар кенг қамровли тус олмақда. Бу, айниқса, шу кунларда қилинаётган ишларда янада яққол кўзга ташланади.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан мамлакатимиз бўйлаб уруш қатнашчилари ҳамда фахрийлар ҳолидан хабар олинди, зарур ёрдам кўрсатишмоқда.

Уруш ўз номи билан уруш. У талафоти муносиб бўлмайди. Иккинчи жаҳон уруши тугаганига саксон йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, ҳамон унинг оқибатлари эсланади, хотирланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ғалаба боғига ташкил этилган хотира маросимида иштирок этди. Анъанага мувофиқ, “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги пойига гулчамбар кўйди.

Ушбу мажмуага мўътабар она ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган. Яъни барча фарзанди урушга кетиб, ҳеч бири омон қайтмаган оила, буюк матонат

ва жасорат, туганмас сабр-қаноат тимсоли — буюк онага кўйилган ҳайкал.

Бугун ушбу ёдгорлик, умуман, ўзбек халқининг уруш йилларидаги жасоратини англашга Ғалаба боғи барча учун табаррук зияратгоҳга айланган. Бу ерга келган киши борки, кўнглига мунг чўқади, уруш йилларини тасаввур қила бошлайди. Отабоболари матонати, жасорати ва қаҳрамонлигини англай бошлайди. Ҳозирги тинчлигимиз, фаровон турмушимиз учун шукрона айтади.

— Бугун орамизда соғ-саломат яшаб келаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, барча

нуронийларимизга алоҳида меҳримиз, эҳтиромимизни изҳор этамиз. Ушбу мажмуа буюк ғалабага муносиб ҳисса қўшган кўп миллатли халқимизнинг жасорати ва қаҳрамонлигини тараннум этадиган табаррук маскан, десак, тўғри бўлади. — деди давлатимиз раҳбари.

Маълумотларга кўра, ўша пайтда 6 миллион 800 минг нафарни ташкил этган Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 2 миллиони Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. Шундан 540 мингга яқини ҳалок бўлиб, 158 мингги бедарак йўқолган. 50 мингдан ортиги концлагерларда мислсиз қийноқ ва азоблар туғайли ҳалок бўлган, 60 мингдан зиёди ногирон

бўлиб қайтган. Ўзбекистонлик 214 мингга яқин аскар ва офицерлар жанговар ордена билан мукофотланган.

Мамлакатимиз уруш йилларида фронтнинг мустақам таъминот базасига айланган, жанг майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, қийим ва озиқ-овқатлар етказиб турилган. Ғоят оғир шартларга қарамай, халқимиз уруш ҳудудларидан кўчириб келинган 1,5 миллионга яқин инсонни, жумладан, ота-онасидан жудо бўлган 250 минг етим болани ўз бағрига олиб, меҳр кўрсатган. Булар оддий рақамлар эмас, миллионлаб тақдирлардир.

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, халқимиз фаровонлиги ва бу йўлдаги орта қайтмас ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари — энг катта саодат. Бинобарин, бугун дунёда бўлаётган воқеаларни барчамиз кўзатишимиз, оқибатларини кўриб, биллиб туришимиз. Афсуски, турли зиддиятлар дунё миқёсида таҳликали вазиятни юзага келтирмоқда. Бу иқтисодидан бошлаб барча соҳа ривожига тўсиқ бўлаётгани ҳам бор гап. Шундай вазиятда тинчлик қадри янада ортиб, унинг нечоғлиқ бебаҳо эканини янада чуқуროқ ва теранроқ англайди киши.

➔ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ: КЕНГ ҚАМРОВЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май куни амалий ташриф билан Москвага келди.

“Внуково” халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири ўринбосари Михаил Галузин ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Москва шаҳридаги тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари Ғалабанинг 81 йиллиги муносабати билан бир-бирини самимий кутладилар.

Ўзбекистон – Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини аввалги олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро савдо ҳажми барқарор ошиб бораётгани, sanoat, энергетика, металлургия ва бошқа тармоқларда лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилган мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш суръатини сақлаб қолиш ва устувор тармоқларда

кооперация лойиҳаларини жадаллаштиришга қаратилган мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш, шунингдек, ҳудудлар даражасида фаол алоқаларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Фаол маданий-гуманитар алмашувни янада таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

President.uz

ҚАҲРАМОНЛАРНИ ЁД ЭТИШ, УЛАРНИНГ ЖАСОРАТИДАН ИБРАТ ОЛИШ БИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Хотира ва қадрлаш куни — юраклар титрайдиган, чуқур изтироб ва ифтихор туйғулари билан тўладиган улуг сана. Бу кун ўтмишнинг оғир синовлари, йўқотишлари ва бекиёс жасоратини эсга соладиган, шу билан бирга, келажак олдидаги масъулиятимизни янада теран англаётган маънавий синовдир.

Иккинчи жаҳон уруши... Бу сўзлар ортида миллионлаб тақдирлар, узилган умрлар, кўзи ёшга тўлган оналар, отасини кутган болалар, севгисини йўқотган ёшлар қисмати мужассам. Бу — инсоният бошдан кечирган энг даҳшатли

фожиялардан бири. Аммо айни пайтда инсон иродаси, матонати ва Ватанга муҳаббати энг юксак даражада намоён бўлган даврдир.

Ўзбекистон халқи бу урушда мислсиз жасорат кўрсатди. Миллионлаб юртдош-

ларимиз фронтга отланди, минглаб оилалар эса азиз яқинларини ортага қайтмас йўлга кузатди. Улар қайтишга ваъда берган эди... Лекин уруш ваъдаларни тингламади. Оруларни чилпарчин қилади, тақдирларини ўзгартиради.

Қанчадан-қанча оналар умри охиригача эшикка қараб, “балки ўғлим кириб келар” деган умид билан яшади. Қанчадан-қанча фарзандлар отасининг қўлини туттиш бахтидан маҳрум бўлди. Бедарак йўқолганлар сони шунчаки рақам эмас, бу — тугалланмаган тақдирлар, айтилмай қолган сўзлар, армон бўлиб қолган учрашувлар.

➔ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни қутлуг айём — Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 81 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу унутилмас кунда, аввало, жанг майдонларида тенгсиз жасорат кўрсатиб, инсониятни фашизм балосидан халос этишга муносиб ҳисса қўшган қаҳрамон ота-болаларимизнинг сўнмас хотираси олдида бош эгиб, таъзим қиламиз. Бугунги кунда орамизда соғ-омон яшаб келаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, нуроний отахон ва онахонларимизга юксак эҳтиромимизни изҳор этамиз.

Мустақиллик йилларида Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини сақлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш йўлида мардларча ҳалок бўлган азму шижоатли ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини меҳр ва ҳурмат билан ёдга оламиз.

Муҳтарам дўстлар!

Эл-юртимиз фашизмга қарши курашда дунёдаги барча тинчликсевар халқлар билан бир сафда туриб, буюк ғалабага муносиб ҳисса қўшди. Бу ҳақда қанча фахрланасак, гурурланасак арзийди. Тарихий маълумотларга кўра, фашизмга қарши урушда ўша даврда 6 миллион 800 минг кишидан иборат бўлган республикамиз аҳолисининг 1 миллион 950 минг нафари иштирок этган.

Шундан ярим миллиондан зиёд киши жанг майдонларида ҳалок бўлиб, 158 мингдан кўпроғи бедарак йўқолган, 60 минг нафардан ортиқ ватандошимиз эса ногирон бўлиб қайтган. Орадан шунча йил ўтган бўлса-да, бу аянчи рақамлар қалбларимизни ҳали ҳам изтиробга солади.

Уруш даврида 214 минг нафар ўзбекистонлик аскар ва офицерлар жанговар ордена билан тақдирланган бўлса, уларнинг 301 нафари энг олий нишон — Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, 70 нафар юртдошимиз эса учала даражадаги “Слава” ордени билан мукофотланган.

Ўша оловли йилларда халқимиз “Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!” деб кечано кундуз буюк сафарбарлик руҳи билан яшади. Ўзбекистон фронтнинг мустақам таъминот базасига айланган. Инсонпарварлики буюк қадриятга айланган халқимиз уруш ҳудудларидан кўчириб келтирилган 1 миллион 500 мингдан ортиқ инсонга, жумладан, ота-онаси ва оиласидан жудо бўлган 250 минг нафар болага бошпана бериб, уларга меҳр-оқибат кўрсатди.

Қадрли юртдошлар!

Ғолиб ва музаффар ота-болаларимизнинг Ватанимиз озодлиги ва халқимиз осойишталиги ҳимояси йўлидаги ибратли фаолиятини чуқур ўрганиши ва кенг тарғиб этиши бўйича биз кўплаб ишларни амалга оширмоқдамиз. Айниқса, кейинги йилларда Тошкент шаҳрида бунёд этилган Ғалаба боғи ҳамда унинг таркибидagi “Хотира нури” ва “Миллат фидойилари” ёдгорлик комплекслари халқимиз учун табаррук масканларга айланиб бормоқда.

Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, хусусан, уруш ва меҳнат фахрийлари, кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлом ва мазмунли ҳаёт кечирishi учун зарур шароитлар яратишга қаратилган ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, жорий йилда байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 30 миллион сўм миқдорда пул мукофотлари берилганини таъкидлаш лозим. Уруш қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фахрийларининг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни санаторийлар, дам олиш масканларига бепул ва имтиёзли асосда юбориш бўйича самарали тизим фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу мунаввар айём кунларида жойлардаги ҳокимликлар, жамоатчилик ва ёшлар вакиллари уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариниш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг хонадонларида бўлиб, оила аъзоларининг ҳолидан хабар олиб, уларга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз бўйлаб “Бурч, жасорат, матонат!” шиори остида хотира маросимлари,

маданий тадбирлар, уч авлод учрашувлари, оммавий спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Қадрли юртдошлар!

Бугунги ғоят таҳликали замоннинг ўзи барчамиздан жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги дўстлик ва тоғувлик муҳитини янада қадрлаб яшашни талаб этмоқда.

Ҳеч қачон унутмайлик, миллий бирлик ва ҳамжихатлик — бизнинг бебаҳо бойлигимиз, барча ютуқ ва ғалабаларимизнинг мустақам асосидир.

Ҳозирги мураккаб даврда Ватанимиз мустақиллигини, халқимиз осойишталигини асраш, иқтисодий кудратимиз, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириш, жаҳон ҳамжамияти, аввало, қўшни давлатлар билан ҳамкорликини кучайтириш, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда. Ишончим комил, бу борада 81 йил олдин ғалаба байроғини жаҳон узра баян қўйишга муносиб ҳисса қўшган буюк аجدдоларимизнинг, халқимизнинг мардлик ва матонат мактаби бизга мададкор куч бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, фашизм балосини бартараф этишда жонбошлик кўрсатган қардош элларимиз, барча эзгу ниятили инсонлар бугунги шонли байрам билан самимий табриклар, уларга барқарор тараққиёт ва фаровонлик тилаймиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар! Сизларни, ҳурматли фахрийларимизни, бутун эл-юртимизни яна бир бор чин дилдан қўллаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик ва хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

Меҳнаткаш ва донишманд халқимиз ҳамиша омон бўлсин!

Эзу ишларимизда Яратганинг ўзи қўллаб-қувватласин!

Хотира ва қадрлаш айёми барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК — ЭНГ КАТТА САОДАТ

Бошланиши 1-бегда

Тадбирда Ўзбекистон Қуролини Қучлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари ва нурунийлар ҳам иштирок этиб, маъмур ёдгорлик пойига гуллар кўйдди.

Мамлакатимиз етакчиси Ғалаба боғидаги “Миллат фидойилари” хиёбонида бўлиб, мустақиллик йилларида юртимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бир йил олдин мана шу ҳудудда “Миллат фидойилари” мажмуасини барпо этганимиз, албатта, бежиз эмас. У Ватан ҳимояси ҳар бир авлоднинг муқаддас ишми экани, ватанпарварлик аъёнлари давомийлигини эслатиб туради, — деди Президентимиз.

Ушбу мажмуада ўрнатилган лавҳаларда миллат қаҳрамонларининг номи зарҳал ҳарфлар билан битиб кўйилган. Ушбу ёдгорлик зиѐратига келганлар марҳум 196 ҳарбий хизматчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимининг ҳар бири ҳақида маълумотга эга бўлади.

Халқимиз душман зарбасига қарши навқирон ёшда ўзини қалқон қилган бундай қаҳрамон ўғлонларини ҳеч қачон унутмайди. 2025 йилнинг ўзида бу мажмуага 650 мингга яқин юртдошимиз ва хоржий меҳмонлар зиѐрат қилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Бу ерда кўйлаб маънавий-маърифий тадбирлар, тарих, ватанпарварлик, “Келажак соати” дарслари ўтказилмоқда. Бундай ишлар, маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга тадбирларни давом эттириш зарурлиги қайд этилди.

Жорий йил Амир Темур таваллуҳининг 690 йиллиги кенг нишонланапти. Сохибқирон бо-бонимизнинг давлатчилик маҳорати, жасорати ва қаҳрамонлиги бугун ҳам долзарб. Буюк саркарда аъёнларини ҳоҳирги жасур ҳарбийларимиз, ўғлонларимиз давом эттирмакда.

— Бугун бу ерда саф тортиб турган “Темурбеклар мактаблари” ўқувчилари, мард ҳарбийлари тимсолида Алпомини, Мангуберди ва Амир Темурларнинг янги авлодини кўрамыз. Буюк аждодларимизнинг бой мероси, илм ва тажриба мактаби нафақат музейларимиз, балки қалбимизга ҳам қайтмоқда. Бамисоли улар қайта тирилиб, янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини биз билан бири барпо этмоқда. Тошкентдаги Ислон цивилизацияси маркази, Темурийлар тарихи давлат музейи, Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуасини бориб кўрган ҳар бир одам буни чуқур ҳис этади, — деди Президентимиз.

Жорий йил Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги катта тантана билан нишонланади. Ушбу улуг сана “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз” деган эзгу шиор асосида кутиб олинаётгани замрида, албатта, чуқур маъно бор.

— Бугун яқин-атрофимиздаги минтақаларда бўлаётган қарама-қаршилик ва уруш-жанжалларни кўриб турибмиз. Мана шундай мураккаб вазиятда миллий бирлик ва ҳамжихатликни сақлаш — энг катта куч, энг катта бойлик эканини ҳаётнинг ўзи яна бир бор тасдиқламакда. Ватанини ҳимоя қилиш — дунёдаги энг улуг ва шарафли ишдир. Бу ҳақиқатни чуқур англаб, ҳарбий қасамёдига доимо содиқ бўлиб келаётган ботир ва довлорак ўғлонларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди, — деди давлатимиз раҳбари.

“Миллат фидойилари” хиёбони кечая кундундун жасорат овози анграб турадиган, тинчлик учун курашга қорлайдиган қутлуг маскан бўлиб қолгани, минглаб, миллионлаб Ватан пос-бонларини тарбиялашга хизмат қилиши таъкидланади.

Ватан олдидаги бурчини адо этиш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ўғлонларимизнинг оила аъзолари ва фарзандларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, уларни кўйлаб-қувватлаш бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.

Шундан сўнг Президентимиз Қуролини Қучлар Бош ҳарбий клиник госпиталига ташрифи бунориб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини зиѐрат қилди, уларни байрам билан табриқлади.

Кексалари ҳурмат қилиш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш халқимизга хос эзгу қадриятлардан. Пиру давлат нурунийларимизнинг бой ҳаёт тажрибаси бугунги авлод учун ибрат мактабидир. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг халқимиз тинчлиги, Ватан ҳимояси йўлидаги матонати, жасорати ва фидойилиги ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Бугун Президентимиз эътибори ва ғамхўрлиги, элимиз ардоғида умргузаронлик қилаётган Акмал ота Акрамов, Вера Журавская, Ҳасанбой ота Холматов, Владимир Алексеевич каби юртдошларимиз ана шундай қаҳрамонларимиздан. Уларнинг шонли умр йўли, меҳнат фойлияти халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлигига айланиб, ёшларни ватанпарвар инсонлар эътиб камол топтиришда жасорат ва матонат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Бош ҳарбий клиник госпиталда улар билан дилдан суҳбатлашиб, нурунийларнинг ҳол-аҳволи ва саломатлиги билан қизиқди. Уларнинг машаққатли ҳаёт йўли ҳамда кўрсатган жасоратини алоҳида эътироф этди.

— Сизлар тарихнинг жонли гувоҳи, матонат тимсолисизлар. Сиздек табаррук инсонлар билан учрашиб, ўғитларингизни тинглаш бизга катта маънавий куч бағишлайди. Халқимиз сизлар билан ҳақи равишда фахрланади. Бугунги тинч ва озо кунлар, авлодларнинг бахтиѐр истиқболи сизларнинг мислсиз фидокорлигингиз махсулидир. Сизларнинг ибратли ҳаёт йўли-гиз ёшларимиз учун ҳақиқий матонат мактабидир, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимизнинг жорий йил 16 апрелдаги “9 май — Хотира ва қадрлаш кунига тайѐрларлик кўриши ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини мувофиқ, уруш ва меҳнат фахрийларига юксак даражада эъти-роф кўрсатишмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти фахрийлари ҳамда мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари давлатимизнинг доимий ғамхўрлигиди. Хусусан, уларга моддий ва маънавий кўмак берилмоқда. Энг яхши санаторийларда имтѐзли асосда саломат-лигини тиклаш чоралари кўрилмакда.

Бундан ташқари, юртимиз бўйлаб “Бурч, жасорат, матонат!” широри остида маданий-маъ-рифий тадбирлар, уювлод учрашувлари, таш-вирий санъат кўргазмалари, ижодий кечалар, танловлар ва оммавий спорт мусобақалари ўт-казилляпти.

— Яратган сизларга ватанпарварлик ва фидокорона меҳнатингиз мукофоти сифатида узоқ умр, эл-юрт ардоғида яшаш бахтини ато этилди. Сизларнинг дуоларингиз юртимиз учун омонлик, ишларимизга баракадир, — деди Президентимиз.

Учрашувда нурунийлар юртимизда тарихий хотирани тиклаш, кексаларни эъзозлаш бо-расидаги ислохотлар учун давлатимиз раҳбари-га миннатдорлик билдирди. Янги Ўзбекистон тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, мамла-катида инсон қадрини юксалтириш йўлида кечаётган янгиланишлар, бунѐдкорлик ишлари бардавом бўлишини тилаб, дуолар қилди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари

ТОПГАНЛАРИМ, ЙЎҚОТГАНЛАРИМ

Халқимизда азалдан бир эзгу удум бор: қачон, қаерда бўлмайлик, дуога қўл очарканмиз, Яратгандан, аввало, тинчлик-хотиржамлик сўраймиз. Бу бежиз эмас. Зеро, ўзбек халқи учун тинчлик-хотиржамлик олий қадрият, яшаш ва бунѐдкорликнинг бош шартидир.



Мамлакатимиздаги бугунги тинчликпарвар сиѐсат ҳам айнан мана шу миллий қадриятларимизга, аждодлар меросига таянади. Марказий Осиѐ давлатлари ўртасидаги самимият ва стратегик ҳамкорликнинг янги даври бошланади ҳам ана шу азалий гоя мужассам.

Юртимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Бу кун Иккинчи жаҳон урушининг оловли жангтоҳларида ҳалок бўлган ота-боболаримиз ѐд этиладиган, ораимиздаги фахрийларимиз эъзозланган сана. Бу даҳшатли урушга Ўзбекистондан 1 миллион 950 минг 700 юртдошимиз сафарбар этилиб, уларнинг 896 минг 366 нафари қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

Президентимиз таъкидлаганидек, ўзбек ўғлонлари фашизм устидан қозонилган ғалабага бекиѐс ҳисса қўшган, 200 мингдан ортиқ аскар ва офицеримиз жангвор орден ва медаллар билан тақдирланган, 301 нафари эса қаҳрамон унвонига сазовор бўлган. Бу рақамлар халқимиз жасоратига ѐркин мисол-дир.

Шундай улуғ аѐм арасида марҳум отам Кўзибой (қшилогимизда Тожиқўзи бува дейи-шарди) Раҳимовни соғинч билан хотирлайман. Падали бузуқворим ҳам уруш машаққатларини бошдан кечирган, зафар қозониб қайтган захматкаш инсонлардан эди.

Эртасига дадам билан меҳмонларни Шаҳрихонга олиб бордик. Меҳмонлар тўй қилиш арафасида экан, шекилли, Шаҳрихон бозори-дан бир нечта тўн ва дўппи, яна нималардир харид қилди. Кейин уларни Бўз (ҳозирги Бўстон) туманига кузатиб бордик.

Орадан бир йил ўтиб, Воҳид ака фарзанд-лари билан бизни кўриб қайтиб келди. Унинг бир йилда бир маротаба бугун республика бўйлаб ўзига яқин дўстларини йўқлаш ода-ти бор экан. Меҳрини қаранг: Меҳмонлар келгани-ни эшитиб, тақлифни кутиб ўтирмай, қўшин-ларимиз чиқди. Дийдорлашуви, хурсандчилик, кулиги ва аския тонгача давом этди. Эртаси куни қўшиннинг Тўхлибой буванинг нуношга дастурхонидан сўнг меҳмонлар Наманган ва Қўқонга боришларини, у ердаги қадрдон дўст-ларини йўқлаб, ундан Хўжданга ўтишларини айтди. Кетар чоғи дадам билан Тўхлибой бува-ни Сирдарѐга меҳмонга таклиф қилди.

Бир йил эъ кунларида отам ва Тўхлибой бува Воҳид акани йўқлаб Сирдарѐга жўнади. Ушанда бир кунда қайтиб келишни режа қил-ган қўшинлар Сирдарѐда нақд бир ҳафта қо-либ кетган эди. Отамнинг айтишича, Воҳид ака меҳмонларни аввал ота юрти — Тожикис-тоннинг Уратепасига меҳмондорчиликка, кей-ин эса Самарқандга зиѐратта олиб борибди. Хўласа, икки қўшни бир ҳафта деганда уйга қайтди. Бу воқеа бугун анқонинг уруғига айлиб бораётган меҳр-оқибат ва беғубор дўстликка яқол мисол бўла олади.

Сафардан қайтган отамни йўқлаб, ама-ким, амман, қўшинлар бизни кўриб қайтди. Яна дастурхон ѐзилди, сафар таассуротлари ай-тилдди, ўтган-кетганлар эсланди.

МАРДЛИК, МУКОФОТ, ЭЪТИРОФ

Муносабат

Диѐржон АБДУЛЛАЕВ,
Урганч давлат педагогика
институтини ректори вазиѐрасини
бажарувчи, тарих вафилари
доктори, профессор



Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқи оғир синовларни бошдан кечирди. Халқ шиддатли жанглар алангасида Ватанининг шон-шарафи, овозлиги ҳамда мустақиллигини сақлаш билан бирга бутун инсониятни фашизм асоратидан халос этишда ҳам ҳал қилувчи ўрин тутди. Кўққисдан берилган зарба собиқ иттиѐф қатрибиди бачча халқларнинг матонати тўғрисида қайтариб ва ғалаба билан якунланди. Уруш йилларида халқларнинг табиий яқинлашуви, дўстлиги ва ҳамкорлиги мустақкамланди. Айниқса, ўзбек халқи уруш йилларида қадриятлари, меҳнатсеварлиги тўғрисида ҳам, фронт ортида ҳам фаол иштирок этиб, бутун инсоният тарихида номини абадиятга муҳрлади.

Ўзбек жангчилари нафақат Европа, балки Осиѐ халқларини ҳам душмандан озод этишда қатнашди. Фронтларда душман аскарларини тор-мор келтирган мард ўғлонларимиз ва жасур қизларимиз юксак мукофотлар билан тақдирланди. 1941 йил июнидан 1945 йил майингача мукофот ва рағбатлантириш тизими сезиларли ўзга-риб, 10 га яқин орден ҳамда 20 дан ортиқ медал таъсис этилган.

Дастлабки тадқиқотларга кўра, урушда қозонилган ғалаба натижасида Марказий Осиѐ, жумладан, Ўзбекистондан 120 минг, Қирғизстондан 42 мингдан ортиқ, Тожикистондан 50 мингга яқин, Туркменистондан 19 мингга яқин жангчи мукофотланган. Айнан уруш йилларида 120 ми-нга ўзбекистонлик жангчининг ўрден ва медаллар билан мукофотлангани халқимиз жасоратига берилган муносиб буюм бўлди.

Сўнгги йилларида Иккинчи жаҳон уруши даври тарихини чуқурроқ ўрганиш ҳамда янги тарихий маълумотларни ил-мий муомалага киритиш мақсадида янги тадқиқотлар ўтказилмоқда. Хусусан, охириги уч йилдаги илмий изланишлар натижасида жангвор орден ва медаллар билан мукофотланган ўзбекистонликларнинг сонига ойдинлик киритилди. Янги маълумотларга асосан 200 мингдан зиѐд аскар ва офицерларимиз жангвор дав-лат мукофотлари билан тақдирлангани аниқланди. Шунингдек, Италия, Англия, Франция, Польша, Венгрия каби мамла-катларнинг орденлари билан тақдирлан-ган ҳамюртларимиз бир неча минг киши-ни ташкил этгани маълум бўлди.

Буюк ғалабага улкан ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳали-қансиз юртимизда ардоқда. Ўзбекистондаги янги авлод бо-бонларининг уруш йилларида кўрсатган сўнмас жасорати, она Ватанга меҳр-му-ҳаббатини қалбиди сақлаб, фронт йўлла-рини босиб ўтганлар хотирасини миннат-дорлик билан ѐдда сақлайди. Жумладан,

ЭЪТИБОРДА, ЭЪЗОДА ЭКАНИМИЗДАН ХУРСАНДИМИЗ

Акмал ота АКРОМОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси



Бу дунёда инсон учун энг катта бойлик — юрт тинчлиги ва тансихатлик. Минг шукрки, бугун Президентимиз ана шу икки масалага жуда жиддий ва катта эътибор қаратмоқда. Эл-юрт осовишталиги, фаровонлиги учун нима зарур бўлса, ҳаммаси қилинапти. Шундай экан, барчамиз бу фароғатли, саодатли, тўкин-сочин кунлар қадрига етишимиз, Ватанинг ҳар қарич тупроғини эъзозлашимиз шарт.

Ҳар йили 9 май санаси яқинлашганда айни кучга тўлган, ногурлу йилгитлик чоғимни, шу билан бирга, энг синовли, оғир кунларини эслайман. Теварақ-атрофга боқаман: ҳозирги ёшларнинг қилаётган ишини кузатаман,

мақсадларини суриштираман. Аксариятнинг вақти ўлчовли, мактабдан келиб тўғрақ ѐки репетиѐрга, ундан чиқиб спорт маш-гулотига боради. Беҳтиѐр уларнинг даври билан ўзимнинг ёшлик чоғларимни солиш-тираман. Бизда асосан битта, яъни қорин тўйдириш мақсади бўларди. Шулар ҳақида йўқлаб, бугунги ёшларга, уларга давлат ярати-б бераётган шароитга ҳавас қиламан.

ЎЗГАРИШЛАРДАН ЁШАРИБ КЕТГАНДЕК БЎЛАМАН

Президентимиз бизни кўргани келди. Бугунги Ўзбекистондаги ислохотлар, инсон қадрига қаратилаётган эътибор, дунёдаги вазият, тинчлик қадри каби мавзуларда анча суҳбатлашдик. Сўзининг охирида давлатимиз раҳбари “Ёшингиз 102 га чиқибди, сизга машина совға қиламан”, деди.



Хурсанд бўлиб, дуо қилдим. Фарзандларим, набираларим менга Вата-нимизда, жаҳонда кечаётган воқеа-ҳодиса-ларни айтиб туради, ўқиб беради. Айниқса, юртимизнинг турли ҳудудида бўлаётган ўзга-ришлар ҳақидаги маълумотлардан беҳад дил-ли яйрайди, ёшариб кетгандек бўламан. Чун-ки руҳимда, танамда ўзгача қувват сезаман.

Узимнинг завод-фабрикаларимиз, до-нимиз, мева-чевамиз бор. Қишлоқларимиз ҳар томонлама обод бўлиб борапти. Фарзанд-ларимиз, ёшларимиз илм-фан, спортда қўлга қиритаётган ютуқларини айтмайсизми?! Эҳ-ҳе, қайси бирини айтмай! Булар жуда катта гап. Ваҳоланки, уруш даврини-ку кўя турайлик,

Президентимиз билан учрашиб, бунинг учун шахсан раҳмат айтиш имконига эга бўлдим. Бундан жуда мамнунман, албатта. Юртимиздаги тинчлик-фаровонликка, тинч ва тўкин ҳаётимизга кўз тегмасин. Халқимиз омон бўлсин.

Ҳасанбой ота ХОЛМАТОВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси

Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



9 МАЙ
ХОТИРА ВА
ҚАДРЛАШ КУНИ

Агар биз шу тинчликни асрасак, бир-биримизни қадрласак, Ватанга садоқат билан яшасак, демек, улар беҳуда жон бермаган. Шунинг учун ҳам ҳар гал осмонга қараганимизда, юрагимизда битта садо янгрисин: "Сизларни унутмадик ва ҳеч қачон унутмаймиз".

ҚАҲРАМОНЛАРНИ ЁД ЭТИШ, УЛАРНИНГ ЖАСОРАТИДАН ИБРАТ ОЛИШ

БИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ



Қутбидин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Бу тарихий хотирани асраш, қаҳрамонларимизни ёд этиш ва жасоратидан ибрат олиш муқаддас бурчимиз. Чунки хотира бор экан, миллат барҳаёт, кадрятлар бардавом, тинчлик эса мустаҳкам бўлади.

Президентимиз раҳбарлигида Иккинчи жаҳон уруши йилларида жасорат ва матонат, меҳр-оқибат ва олижанобликнинг юксак намунасини кўрсатган ҳалқимизнинг буюқ ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси билан боғлиқ хотирани сақлаб қолиш борасида улкан ишлар қилинмоқда. 2020 йилга қадар уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолисининг 1 миллион 500 мингта яқини урушда иштирок этган дейилар эди. Президентимиз ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди. Жаҳон архивлари ўрганилиб, янги топилган маълумотлар таҳлил қилинди. Натияжада Ўзбекистонда 1 миллион 951 мингта яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Демак, ҳар уч ўзбекистонликдан бири қўлга қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган. 451 минг юртоқшимизнинг номи ва тақдири шунча йил давомида эътибордан четда қўлиб келган.

Бундан ташқари, илгари 396 минг ўзбекистонлик урушда ҳалок бўлган дейиларди. Аслида, бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган, 158 мингдан кўпроғи бедарак йўқолган.



Илмий изланишлар натижасида орден ва медаллар билан мукофотланган ўзбекистонликлар сонига ҳам ойдинлик киритилди. Илгари бу кўрсаткич 120 минг деб қўйилган эди. Янги маълумотларга асосан Иккинчи жаҳон урушида 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани аниқланди. Жумладан, илгари 280 нафар деб келинган ўзбекистонлик совет иттифоқи қаҳрамонлари сонини 301 нафар экани, 70 нафар юртоқшимиз уқала даражадаги "Слава" ордени билан тақдирлангани ўз тасдиғини топди.

Шу ўринда ўзбек ўғлини Сирожиддин Валиевнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган матонатини эслаб ўтиш жоиз. Уруш бошланганида у ҳарбий хизматда эди. Жанубий фронтнинг 74-ўқчи дивизияси алоҳида разведка ротаси взвод командири, кичик лейтенант Сирожиддин Валиев топшириқларни бажариш давомида бир ўзи сон жиҳатидан кўп бўлган душманга қарши жанг қилди. Кейинчалик армия генерали бўлган, уруш йилларида дивизия комиссари Евдоким Мальцев "Синови йиллар" китобида Сирожиддиннинг жасоратини бундай хотирлайди: "Душман томонидан аҳоли пунктларининг доира принципи бўйича мудофааси мустаҳкам эди ва уни ёриб кириш деярли имконсиз деб ҳисобланарди. Таянч пунктлар

оралигидаги йўллар патруль билан қўриқларди. Шунга қарамай, Валиев разведкачилари шовқин қилмай соқчиларни олиб ташлаб, қишлоққа киришга муваффақ бўлди. Улар билдирмасдан фашистларнинг танкларни турган колхоз ҳовлисиغا ёнигли ара-лашмаси солинган бутилка иргитди. Ортга қайтаётганда ваҳима билан югуриб чиққан икки танкчини қўлга олишди. Разведкачиларимиз артиллериячиларимизга беқиёс ёрдам кўрсатди".

Сирожиддин Валиев "Жасурлиги учун", "Жанговар хизматлари учун" медаллари билан тақдирланган. 1942 йил 20 июнь куни Еленовка қишлоғида душман тўдасига қарши жанг қилаётганда оғир ярадор бўлади. Бироқ сафдошларини таъқибдан қочирши учун уни қолдиришларига қўндиради ва ўзи ўрмонда жон беради...

Эзуви Борис Горбатов "Она заминимизнинг ҳар қаричи" мақоласида Сирожиддин Валиев номи алоҳида ҳурмат билан тилга олади: "Фарғоналик ўзбек разведкачиси Сирожиддин Валиевдан ҳам ажойиб жангчи бутун фронтимизда йўқ эди. Унинг ватанида — олтин Фарғонада муздек сувлар ариқларда шилдираб оқади. Валиев эса менинг чанг-тўзонли ва тутун босган Донбасим учун жанг қилгани келди. Унинг ватанида шамшод тераклар остида аждодлари тинч ётибди. Сирожиддин Валиев эса шахта ёнидаги жангга ҳалок бўлди ва шу ерда кўмилди.

Валиев дафн қилинаётганда бутун дивизия йиғилди. Таманлик темир иродали жангчилар кўз ёшини яшира олмади. Подполковник йиғлади, комиссар кўз ёшларини арди. Аммо оддий граждандар кийимидоги жиккакина кампир ҳаммадан кўп йиғилди. Валиев унинг ўйида турган эди. Кампир уни ўзининг учинчи ўғли деб билар эди.

Кампир бизга бошқа икки йигитнинг суратини кўрсатди... Улар қаердадир гарбий фронтда жанг қилмоқда. Аммо ўрта бўйли, бугдойлар, сочи ва кўзи тим қора ўзбек йигитини ўғлим деб атаганида, бирортамиз ҳам ажабланмадик.

Ишлаб чиқариш корхоналари ҳарбий мақсадда қайта ташкил этилди. Жумладан, кўп миллатли аҳолининг фидокорона меҳнати билан ўша вақтдаги 300 га яқин корхонада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу даврда фронт ҳудудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилиб, қисқа муддатда ишга туширилган. Бундай мисоллар ғалаба биз учун нақадар қимматга тушгани, халқимиз дунёни фашизм балосидан ҳалос этишга нечоғлиқ салмоқли ҳисса қўшганини яққол кўрсатади.

Энг тасъирлини, халқимизнинг инсонпарварлигини.

Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойи, ота-онаси ва қариношларидан ажралган, фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган қарийб 1 миллион 500 минг кишини ўз яқинларидека қутиб олди. Уларнинг 250 мингдан зиёди болалар эди. Уларга қарийб 150 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой ажратиб берилди.

Ўзбек оилалари эвакуация қилинганлар билан сўнгги бурда нони ва бошпанасини баҳам кўрди, кўплаб етим болаларга ота-оналик қилди. Халқимизнинг мусофирларга бошпанаси бериб, ота-онасидан жудо бўлган етим болаларни бағрига олгани инсонпарварликнинг чинакам намунасидир. Бу рақамлар оддий статистик маълумотлар эмас, балки бошимиздан кечган муҳиш уруш оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка чақирувчи огоҳлик кўнгиригидир. Шу билан бирга, бугунги тинч ва гўзал ҳаётнинг қадрига етиб, доимо хушёр ва огоҳ бўлишга, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Тарихий адолат қарор топгани ҳар биримизга, айниқса, бугун ҳаёт бўлган уруш ва меҳнат фронти қатнашчиларига чуқур маънавий куч беришини таъкидлаш жоиз. Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори билан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида Ғалаба боғи ташкил қилинди. Бундан қўзланган асосий мақсад ҳозирги ва келажак авлодди ота-боболар руҳига хурмат кўрсатиш, миллатни севиш, юртинг ҳар қарич тупроғини қадрлашга ўргатиш, эъзулик ва раҳмдиллик сингари кўп асрлик анъаналар руҳида тарбиялашдир. Шу ўринда Ғалаба боғида уруш йилларида халқимиз кўрсатган беқиёс қаҳрамонликни улуғлайдиган, ўзида она Ватан тимсолини

Кичик лейтенант Сирожиддин Валиев топшириқларни бажариш давомида бир ўзи сон жиҳатидан кўп бўлган душманга қарши жанг қилади.



жумладан, аёллар ва ёш қизлар "Ҳамма нарсаси фронт учун, ҳамма нарсаси ғалаба учун!" деб яшади. Ором ва ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз оғир меҳнат қилди. Республикаимиз фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди.

Урушнинг бошланғич давридаги энг мураккаб вазифалардан бири иқтисодийнинг ҳарбий изга солиш эди. Бу маъсуляти топшириқни соғиқ иттифокнинг қарийб 40 фоиз аҳолиси иштирок қилганидан, кўмирнинг 63 фоизи казиб олинадиган, пўлгнинг 50 фоизи ишлаб чиқариладиган, доннинг 38 фоизи еттиштирилдиган, айниқса, кўпгина мудофаа корхоналари жойлашган ҳудудни фашистлар босиб олган бир пайтда ҳал қилиш керак эди. Шу босис, Ўзбекистон уруш майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берадиган муҳим таянч марказлардан бирига айланди.

Ишлаб чиқариш корхоналари ҳарбий мақсадда қайта ташкил этилди. Жумладан, кўп миллатли аҳолининг фидокорона меҳнати билан ўша вақтдаги 300 га яқин корхонада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу даврда фронт ҳудудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилиб, қисқа муддатда ишга туширилган.

Бундай мисоллар ғалаба биз учун нақадар қимматга тушгани, халқимиз дунёни фашизм балосидан ҳалос этишга нечоғлиқ салмоқли ҳисса қўшганини яққол кўрсатади.

Энг тасъирлини, халқимизнинг инсонпарварлигини. Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойи, ота-онаси ва қариношларидан ажралган, фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган қарийб 1 миллион 500 минг кишини ўз яқинларидека қутиб олди. Уларнинг 250 мингдан зиёди болалар эди. Уларга қарийб 150 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой ажратиб берилди.

Ўзбек оилалари эвакуация қилинганлар билан сўнгги бурда нони ва бошпанасини баҳам кўрди, кўплаб етим болаларга ота-оналик қилди. Халқимизнинг мусофирларга бошпанаси бериб, ота-онасидан жудо бўлган етим болаларни бағрига олгани инсонпарварликнинг чинакам намунасидир.

Бу рақамлар оддий статистик маълумотлар эмас, балки бошимиздан кечган муҳиш уруш оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка чақирувчи огоҳлик кўнгиригидир. Шу билан бирга, бугунги тинч ва гўзал ҳаётнинг қадрига етиб, доимо хушёр ва огоҳ бўлишга, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Тарихий адолат қарор топгани ҳар биримизга, айниқса, бугун ҳаёт бўлган уруш ва меҳнат фронти қатнашчиларига чуқур маънавий куч беришини таъкидлаш жоиз. Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори билан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида Ғалаба боғи ташкил қилинди. Бундан қўзланган асосий мақсад ҳозирги ва келажак авлодди ота-боболар руҳига хурмат кўрсатиш, миллатни севиш, юртинг ҳар қарич тупроғини қадрлашга ўргатиш, эъзулик ва раҳмдиллик сингари кўп асрлик анъаналар руҳида тарбиялашдир. Шу ўринда Ғалаба боғида уруш йилларида халқимиз кўрсатган беқиёс қаҳрамонликни улуғлайдиган, ўзида она Ватан тимсолини

муҳассам этган "Матонат мадҳияси" ёдгорлик мажмуасига қандайдир бадий образ эмас, балки ҳаётимизда ҳақиқатдан рўй берган тарихий воқеа — зангиоталик Зулфия она Зокирова ва унинг оиласи тўғрисидаги факт асос қилиб олинган. Ғалаба боғининг марказида жойлашган бу муаззам тимсол барча Ўзбекистон оналарига қўйилган ҳайкал бўлиб, она Ватан рамзини ифода этади.

Бугун биз тинч осмон остида яшапмиз. Буларимиз кулмоқда, ёшлар оруз, кексалар до кўлмоқда. Аммо шу тинчлик ўз-ўзидан келган эмас. У — қон эвазига, жон эвазига, кўз ёшлари эвазига келган. Шунинг учун ҳам Хотира ва қадрлаш куни оддий сана эмас, балки виждон олдидаги ҳисоб-китоб, "Биз аждодларимизга муносиб бўлганимизми?" деган саволга жавоб излайдиган кундир.

Ана шу саволнинг ўзи бизни нафақат ўтмиш қаҳрамонлари жасоратини ёд этиш, балки мустақиллик йилларида Ватан ҳимояси йўлида жон фидо қилган ўғлонларимиз хотирасига ҳам чуқур эҳтиром билан бош эгитишга ундайди. Зеро, улар Фарғона, Ўқ, Паркент воқеаларида, 1999 йилги Тошкент портлашларида, 2000 йилги Сариосиё ва Узун тоғларидаги жанговар тўқнашуларда жонини фидо қилди. Уларнинг номи "Хотира китоблари"да, жасорати эса давлатчилигимиз пойдеворига мангу яшайди.

Мустақиллик йилларида Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган қаҳрамонларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ғалаба боғи ҳудудида қатор маънавий-мърифий мажмуалар ҳам барпо этилгани алоҳида эътироф этиш лозим. Жумладан, мустақиллик даврида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари хотирасига бағишланган алоҳида ёдгорликлар ва рамзий иншоотлар ўрнатилган. Улар орасида қаҳрамонлар номи битилган лавҳалар, хотира деворлари ва махсус экспозициялар мавжуд. Бу ерга келган ҳар бир киши юртимиз



тинчлиги йўлида жон фидо қилган ўғлонлар ҳақида чуқур тасаввурга эга бўлади. Бу мажмуаларнинг асосий гоёси — қаҳрамонлар номи абадийлаштириш, жасоратини келажак авлодларга етказиш ва ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдан иборат. Шу маънода, Ғалаба боғидаги мазкур ёдгорликлар нафақат тарихий хотира, балки

юксак маънавий тарбия мактаби вазифасини ҳам бажарди. Шу билан бирга, бугунги тинч ва гўзал ҳаётнинг қадрига етиб, доимо хушёр ва огоҳ бўлишга, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасида хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун ҳар йили ҳарбийларимиз давлат мукофотлари, хусусан, "Шон-шараф", "Мардлик" ордени билан ҳамда "Жасорат" ва "Содиқ хизматлари учун" медаллари билан тақдирланмоқда.

Бундан ташқари, Ватан ҳимояси, эл-юртимиз тинчлиги йўлида мардларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар она аъзолари ҳамда уларнинг қарамогидоги шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, гамхўрлик қилиш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида қатор имтиёз ва кафолатлар берилмоқда. Бу, ўз навбатида, қаҳрамонларнинг номи ҳаминча барҳаётлиги, уларнинг ота-оналари, турмуш ўртоқлари ва фарзандлари доимий эътиборда эканининг ёрқин ифодасидир.

Болалигидан ана шундай юксак гамхўрлик ва эътиборни ҳис қилиб келаётган ўғлонлардан бири — қаҳрамон чегарачи, катта лейтенант Шухратбек Собировнинг фарзанди, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларида хизмат қилаётган Шоҳжаҳон Собировдир.

2000 йил 17 август куни Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси, катта лейтенант Шухратбек Собиров мамлакатимизга суқилиб қирган жангарилар тўдасига қарши кураш вақтида қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

"От изини той босар", деганларидек, болалигидан ҳарбий либос кийишни оруз қилган Шоҳжаҳон 2017-2021 йилларида отаси тахсил олган Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг

ҳаво десант қўшинлари тактик қўмондонлиги факультетида соҳа сир-асорларини чуқур ўрганди. 2021 йилда лейтенант ҳарбий унвонини олган, айнан отаси Шухратбек Собиров хизмат қилган Ёўстонлик туманидаги ҳарбий қисмда гуруҳ командири лавозимида хизмат фаолиятини бошлаганида, зийраклиги ва маъсуляти билан касбий салоҳиятини намойён этиб, эришган натижалари, намунали ҳарбий интизоми, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси дахлсизлигини таъминлашдаги фаол иштироки ҳамда топширилган вазифаларни бажаришда кўрсатилган юксак маҳорати ва ташаббускорлиги учун муносиб тақдирлаб келинмоқда.

Қаҳрамон юртоқшларимиздан яна бири ҳарбий учувчи, майор Абдиқарим Ҳамроевдир. Жанговар ҳаракатлар иштирокчиси сифатида у мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида кўрсатган жасоратлари учун 1995 йилда "Жасорат" медали, 1999 йилда "Шон-шараф" ордени билан тақдирланган. 2000 йили хизмат бурчини бажариш вақтида авиафалокат оқибатида ҳалок бўлган. Вафотидан кейин бир қанча эсдалик нишонлар билан мукофотланган. Абдиқарим Ҳамроевнинг фарзанди Анвар Ҳамроев ҳам бугун майор унвонига эга бўлиб, Ватанимиз тинчлиги йўлида хизмат қилмоқда. Мустақиллик йилларида Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган қаҳрамонларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида мактаблар, кўчалар ва маҳаллаларга уларнинг номи берилмоқда. Бу эса халқимизнинг жасорат ва садоқатини унутмаслигидан, қаҳрамонлар хотирасига чуқур эҳтиромдан ҳамда тарихий адолатни тиклашга қатъий иродасидан далолат беради. Бугун Қуролли Кучларимиз жаҳон миқёсида ҳам ўз салоҳиятини намойён этмоқда. Халқаро ҳарбий мусобақаларда эришилаётган юқори натижалар армиямизнинг қудрати, ҳарбийларимизнинг маҳорати ва Ватанга садоқатини яққол кўрсатмоқда. Бунинг мамлакатимиз Қуролли Кучлари вакилларининг нуфузли халқаро ҳарбий мусобақаларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келётгани мисолида яққол кўриш мумкин. Жумладан, АҚШнинг Миссисипи штатида бўлиб ўтган "Энг илгор жангчи" мусобақасида ҳарбий хизматчиларимиз юқори касбий маҳоратларини намойиш этди ва фахрли биринчи ўринни эгаллади. Покистон Ислам Республикасида бўлиб ўтган VI халқаро "Жамоа руҳи" мусобақасида 11 та давлат жамоалари ўртасида бизнинг жамоа биринчи ўринга муносиб кўрилди. Жанубий Кореяда ўтказилган II "Халқаро мерганлар" ҳамда "Халқаро илмий-жанговар тайёргарлик" мусобақаларида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги терма жамоаси 10 давлатнинг 54 та жамоаси орасида 1-ўринни қўлга киритди. Туркияда бўлиб ўтган "Энг илгор мерган жамоаси" мусобақасида 11 давлатнинг 36 та жамоаси орасида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари 1-ўринни эгаллаш билан бирга бир нечта шартлар бўйича 5 мартаба рекорд натижаларни ҳам янгилади. Бу ютуқлар ҳарбий хизматчиларнинг шахсий маҳорати ошаётгани баробарида Қуролли Кучларимизнинг ҳар қандай синовларга тайёр экани, Ватан тинчлиги ва ҳалқ оёсини-талгини ишончли ҳимоя қилишга қодирлигини яна бир бор тасдиқлайди. Энг муҳими, халқаро майдонда қўлга киритилган ғалабалар ёш авлодда Ватанга муҳаббат, ҳарбийликка ҳурмат ва фахр туғйусини шакллантирмоқда. Ана шу юксак туғйуси эса, ўз навбатида, ёшларни аждодлар жасоратига муносиб бўлиш, улар қолдирган меросни қадрлашга ундайди. Давлатимиз томонидан уруш қатнашчилари ва фахрийларига кўрсатилаётган юксак эътиборни шунчаки моддий ёрдам эмас, балки юракдан чиққан эътироф сифатида ҳаёломанок зарур. Ана шу юксак эътироф ва эътиборнинг амалий ифодаси сифатида давлатимиз раҳбарининг топшириғига мувофиқ жорий йилда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 30 миллион сўмдан бир марталик мукофот пули берилиши белгилангани уруш қатнашчиларига қаратилаётган эътиборнинг узвий далолидир. Бугун биз буюқ ғалабанинг 81 йиллигини нишонлар эканмиз, унда Ўзбекистон халқининг маъносиб ҳиссаси борлигини чуқур англаймиз ва фахр билан эътироф этамиз. Бугун ҳар бир сокин тонг, ҳар бир бола кулгуси, ҳар бир онанинг дуоси ўша қаҳрамонларнинг сўнгги нафаси, сўнгги орзуси билан сугорилган. Агар биз шу тинчликни асрасак, бир-биримизни қадрласак, Ватанга садоқат билан яшасак, демек, улар беҳуда жон бермаган. Шунинг учун ҳам ҳар гал осмонга қараганимизда, юрагимизда битта садо янгрисин: "Сизларни унутмадик ва ҳеч қачон унутмаймиз".

Қишлоқ хўжалиги сугуртаси тизимини жорий этишда соҳада етакчи ҳисобланган Италия, Туркия ва Озарбайжон тажрибалари асосида бир қатор мақсадлар белгилаб олинди.

Бугунги глобал iklim ўзгаришлари, табиий хавфлар ва бозор ноаниқликлари шароитида қишлоқ хўжалигида барқарорликни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борадаги ислохотлар замирида, аввало, аграр соҳада етиштирилиши режалаштирилган ҳосилни йўқотиш хавфини бошқаришнинг замонавий механизмларини қўллаш вазифаси ётади.

Шу мақсадда 2025 йил 14 апрелда "Қишлоқ хўжалиги тавakkалчиликларини сугурта қилиш тўғрисида"даги қонун, Президентимизнинг 2025 йил 21 ноябрдаги "Қишлоқ хўжалиги тавakkалчиликларини сугурта қилиш механизмининг самарали ташкил этиш тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатлар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида табиий офатлар натижасида келадаг зарарларни қоплашнинг янги механизмларини жорий этиш орқали соҳадаги тадбиркорлик субъектлари иқтисодий барқарор фаолият юритиши учун имкониятлар яратиш белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги сугуртаси тизимини жорий этишда соҳада етакчи ҳисобланган Италия, Туркия ва Озарбайжон тажрибалари асосида бир қатор мақсадлар белгилаб олинди.

Жумладан, сугурта қилишнинг самарали тизимини жорий этиш орқали ташкил ва техноген офатлар, ёнғин, зараркунанда ва касалликлар таъсирида ўсимлик ҳамда ҳайвонларга етказилган зарарларни қоплаб бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини 2030 йилга қадар босқичма-босқич 20 фоиз ошириш, ишлаб чиқарувчиларнинг хавфларини камайтириш ҳамда сугурталаш харажатларининг (сугурта

ишончини қозонган ҳолда юқори даромад келтирувчи озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, ички бозорда маҳсулот миқдорини ошириш ҳисобига нарх-навоини арзонлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсад қилиб олинди.

Юқоридагиларга асосан, Қишлоқ хўжалиги сугуртаси жамғармаси фаолиятини ташкил этишда асосий эътибор рақамлаш-



Соатмурод ҚУЛМИРЗАЕВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
департамент бошлиғи

агентлиги билан биргаликда сунъий йўлдош, учувчисиз учуш аппаратлари ёрдамида космик мониторингнинг амалга оширишга рухсат берилди.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги қишлоқ хўжалиги экинларининг касалликлари ва зараркундаларига қарши курашиш бўйича, Агроекономика мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан мақсадли фойдаланиш ҳамда ўз вақтида сифатли экиш ва парваришлаш бўйича, шунингдек, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ветеринария соҳаси ҳайвонларни юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича қўрган чоралари бўйича маълумотларни "Қишлоқ хўжалиги сугуртаси" ахборот тизимига мажбурий тартибда киритиб бериши белгилаб қўйилди.

"Қишлоқ хўжалиги сугуртаси" ахборот тизими 13 та вазирлик ва идора билан интеграция қилинган, реал вақт режимида мониторинг қилиш имкони яратилди.



Қисқа вақт ичида 13 минг 559 та қишлоқ хўжалик корхонаси билан жами 5,1 триллион сўмлик шундай сугурталаш тўғрисида шартномалар имзолангани тизимга ишонч юқори эканини кўрсатади.



Агросуғурта

ФЕРМЕРЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМИ

Йил якунига қадар 57 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги корхонаси билан шартномалар имзоланиши ва 16,5 триллион сўмлик қишлоқ хўжалик экинлари сугурта қилиниши режалаштирилган.

Энг муҳими, қишлоқ хўжалиги сугуртаси тизими орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналарда ҳосилни йўқотиш натижасида қўрилиши мумкин бўлган зарар давлат томонидан қопланишига ҳамда уни ҳимоя қилувчи замонавий механизм шакллантиришга ишонч пайдо бўлмоқда.

Қисқа вақт ичида 13 минг 559 та қишлоқ хўжалик корхонаси билан жами 5,1 триллион сўмлик шундай сугурталаш шартномалари имзоланиши ва 16,5 триллион сўмлик қишлоқ хўжалик экинлари сугурта қилиниши режалаштирилган.

Йил якунига қадар 57 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги корхонаси билан шартномалар имзоланиши ва 16,5 триллион сўмлик қишлоқ хўжалик экинлари сугурта қилиниши режалаштирилган.

Пахта ва галла, дон ва дуккакли экинлар, мевачилик (олма, гилос, ўрик, узум), иссиқхона хўжаликлари, полиз экинлари, паррандачилик, балиқчилик, чорвачилик ва асаларчилик йўналишларида сугурталаш механизмлари яратилиб, ҳар бир йўналиш бўйича сугурта қондалари, актуар ҳисоб-китоблар ва тарифлар илмий асосда ишлаб чиқилмоқда.

Тизимда илк бор сугурта хавфини баҳолаш мезонлари йўлга қўйилди. Маълумотларга асосланган таҳлил жорий этилиб, илмий-амалий ёндашуви кучайтирилди.

2027 йилда чорва ҳайвонларини сугурталаш, юқумли касалликлар хавфини қоплаш механизмларини йўлга қўйиш бўйича ишлар ҳозирдан бошлаб юборилган.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги сугурта ҳодисаси ва сабабларининг ҳолис ўрганилиши, зарар миқдорини адолатли аниқлаш ҳамда ҳаққоний ҳулоса расмийлаштирилишини таъминлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги сугуртаси жамғармасига бўйсунмайдиган мустақил экспертларни тайёрлаш масалаларига жиддий эътибор қаратмоқда.


Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Тошкент давлат аграр университети билан ҳамкорликда махсус ўқув курси ташкил қилиниб, бугунги кунга қадар қарийб 150 га яқин мустақил эксперт тайёрланди.

Мустақил экспертлар тажрибасини оширишда ривожланган хорижий давлатлар мутахассислари ҳам жалб қилинмоқда. Жумладан, Insurance Development Forum консорциуми, Германия ҳукумати томонидан молиялаштирилаётган InsuResilience Solutions Fund кўмағида халқаро онлайн ва офлайн семинарлар ташкил этилди. Чет эллик ҳамкорлар Тошкент вилояти фермерлари далаларида мустақил экспертлар билан амалий тажриба алмашди.

Ушбу семинарлар орқали сугурта шартномалари юзасидан экинлар ҳолатини жойида мониторингдан ўтказиш, сугурта ҳодисаси рўй берганда зарарланган экин майдонларини ўрганиш ҳамда ҳулосаларни расмийлаштириш тартиблари бўйича тавсиялар берилди.

Қишлоқ хўжалиги сугуртаси шунчаки молиявий инструмент эмас. Бу қишлоқ хўжалиги корхоналари ишончлини қоғалати, аграр иқтисодиёт барқарорлигининг асоси, давлат сиёсатининг стратегик йўналишидир.

Ўзбекистонда мажzur тизим замонавий, рақамлашган, илмий асосланган, халқаро стандартларга мос инфратузилма сифатида шаклланимоқда. Бу ишлар мамлакатимизнинг аграр соҳасида янги тараққиёт босқичини бошлаб бермоқда.



мукофоти) 50 фоизини бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш орқали сугурталаш қаровини 50 фоизга етказиш вазифалари қўйилди.

Бу орқали Ўзбекистонда маҳсулотларнинг нобуд бўлишини сугурта қилишда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг

тиришга, очкилик ва шаффофликни таъминлашга ҳамда инсон омилини камайтиришга қаратилди.

Бугунги кунга келиб, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги кўмағида Agrosafe ва Agroportal платформалари ишга туширилди. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирув-

чи корхоналарига онлайн тарзда ариза бериш, шартномани расмийлаштириш ҳамда сугурта мукофотини банкка бормасдан тўлаш имконияти яратилди.

Сугурталанган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳолатини мониторинг қилишни рақамлаштириш мақсадида Космик тадқиқотлар ва технологиялар



Абдуманнон БҲРИЕВ,
Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний
манфаатларини ҳимоя қилиш
бўйича вакил

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бизнес юритиш муҳитини яхшилаш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Солиқ юки қисқартирилди, кўплаб лицензия ва рухсат бериш тартиблари соддалаштирилди, давлат хизматлари рақамлаштирилди, тадбиркорларни текшириш тизими қайта кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, тадбиркорлар билан доимий мулоқотлар, улар билдирган фикрлар ва таҳлиллар кўрсатишдаки, бугун тадбиркорлик фаолиятига тўққинлик қилаётган муаммолар ортқича маъмурий талаблар, ҳуқуқни қўллашдаги зиддиятлар ва бюрократик ёндашувлар билан боғлиқ.

Президентимиз ҳузурида тадбиркорлар билан ўтказилган мулоқотлар, жойлардаги ўрганишлар ва билдирилган таклифлар асосида бизнес муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига тўққинлик қилаётган муаммоларни бартараф этиш ҳамда қонунийликни тақомиллаштиришга қаратилган тақдирот ўтказилди. Тақдиротда соҳадаги долзарб масалалар атрофида муҳокама қилиниб, мутасаддиларга аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, сўнгги вақтларда тадбиркорлар ва жамоатчилик томонидан муҳокама қилинаётган энг долзарб масалалардан бири пешлавҳалар ва ташқи ахборот объектларини реклама сифатида баҳолаш амалиётидир.

Амалдаги тартибга кўра, айрим ҳолатларда тадбиркорлик субъектнинг номи, фаолият тури ёки бренд белгиси ҳам реклама сифатида баҳолаб, тадбиркордан алоҳида паспорт расмийлаштириш ва тегишли тўловларини амалга ошириш талаб қилинмоқда эди.

Натижада бизнес субъектлари қўшимча маъмурий ва молиявий босимга дуч келмоқда. Айрим ҳудудларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан реклама паспорти расмийлаштирилмагани сабабли пешлавҳаларни

Янги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш, инвестицияларни жалб этиш ва бандликни таъминлашда тадбиркорлик ҳал қилувчи кучга айланди. Бугун хусусий сектор нафақат иқтисодий ўсиш драйвери, балки ижтимоий барқарорлик ва ўрта синф шаклланишининг муҳим омилidir.

ПЕШЛАВҲА РЕКЛАМА ЭМАС

демонтаж қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса тадбиркорнинг мулкига зарар етказиш билан бирга унинг иқтисодий фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Масалан, Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи умумий овқатланиш тармоғида бренд белгилари олиб ташланиши натижасида буюртмалар сони 10 фоиз, ойлик тушум эса ўртача 100 миллион сўмга камайган. Бу рақамлар ортқида фақат битта тадбиркорнинг зарари эмас, балки хизмат кўрсатиш соҳасидаги иқтисодий фаолиятнинг пасайиши ҳам муҳимас.

Реклама жойи паспортини олманган юридик шахсларга БҲМнинг 50 баравар миқдорда жарима қўланилиши белгиланган бўлиб, 2025 йилнинг ўзида 384 шахсга нисбатан жами 8,2 миллиард сўм жарима қўлланган.

Аслида эса кўплаб хорижий давлатларда пешлавҳа реклама эмас, балки тадбиркорлик субъектини идентификация қилиш воситаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, тадбиркорлик субъектнинг номи ва фаолият тури ҳақидаги ахборотни реклама ҳисобламастик, бунинг учун паспорт талабини бекор қилиш ҳамда "дизайн-код" талабларини босқичма-босқич жорий этиш, аввало, маданий мерос ҳудудларида қўллаш бўйича таклифлар бизнес муҳитини эркинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тадбиркорлик фаолиятининг барқарор ривожланишидаги яна бир муҳим масала ҳуқуқий қарорлик билан берилган бўлса-да, улар Солиқ кодексига киритилмагани сабабли амалиётда турли номувофиқликлар юзга келмоқда.

Бу эса тадбиркор учун энг муҳим омил — ҳуқуқий ишонч тамойилига салбий таъсир кўрсатади. Чунки тадбиркор инвестиция киритаётганда қабул қилинган қарорларнинг барқарорлигига таянади. Агар бу қарорлар кейинчалик бошқача талқин қилиниб, қўшимча солиқ ва пенялар ҳисобланса, бу инвестиция муҳитига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Жумладан, камида тўрт юлдузли меҳмонхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзла-



ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ ВОСИТАСИ

ри Солиқ кодексига киритилмагани сабабли сўнгги вақтларда 35 нафар тадбиркорнинг 30,3 миллион сўмлик имтиёзлари бекор қилиниб, қўшимча солиқ ва пенялар ҳисобланган.

Бу ҳолат иқтисодиётда бир муҳим ҳақиқатни намоян этмоқда: инвестор учун имтиёзнинг ўзи эмас, унинг ҳуқуқий қоғалати муҳим. Шу боис, солиқ имтиёзларини Солиқ кодексига тўлиқ интеграция қилиш ва уларнинг ҳуқуқий аниқлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Солиқ маъмуричилигида тадбиркорларни қийнаётган яна бир жиддий масала пеняларнинг асосий қарздорлик суммасидан ошиб кетишидир. Айрим ҳолларда нисбатан кичик солиқ қарзи йиллар давомида катта молиявий юкка айланмоқда.

Масалан, Нуробод туманидаги тадбиркорнинг 30,8 миллион сўмлик ҚҚС қарзига 37,3 миллион сўм пеня ҳисоблангани бу соҳада мутаносиблик тамойилини таъминлаш зарурлигини кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти шароитида жазо чоралари тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш воситасига эмас, балки интизомни таъминлаш механизмига айланиши керак.

Шу боис, пеня миқдорини асосий қарздорлик суммасидан оширмастик бўйича ҳуқуқий нормаларни қайта кўриб чиқиш иқтисодий адолат нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга.

Назорат-касса техникаси билан боғлиқ жарималар масаласи ҳам қайта кўриб чиқишни талаб этади. Амалда чек бермаслик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун 5 миллион сўм миқдорда ағона жарима белгиланган. Бироқ бу жарима йирик бизнес ва кичик тадбиркор учун бир хил қўлланилмоқда.

Натижада айрим кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий босимга дош бера олмай, ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлмоқда. Масалан, бир тадбиркорлик субъекти 35 марта текширилиб, унга 260 миллион сўм жарима қўлланган. Бошқа бир субъект эса бир неча текширувдан кейин ўз фаолиятини тугатган.

Рақамлаштириш жараёнида ҳам иқтисодиёт учун катта имкониятлар очмоқда. Бироқ рақамли бошқарув инсон омилини қисқартириш билан бирга ҳуқуқий масъулиятни ҳам аниқ белгилаш лозим.

Бугун ҚҚС тўловчиси гувоҳномасини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорлар авто-

матлашган тарзда қабул қилинмоқда. Бироқ амалиётда бундай қарорларнинг айримлари судлар томонидан ҳақиқий эмас деб топилмоқда. 2025 йилда 200 дан ортиқ шундай қарор бекор қилинган рақамлаштириш жараёнида ҳам ҳуқуқий қоғалотлар билан уйғун бўлиши шартлигини кўрсатади.

Умумий овқатланиш соҳасидаги айрим тартиб-таомиллар тадбиркорлар учун ортқича маъмурий юкни келтириб чиқармоқда. Хусусан, ҚҚСнинг бир қисмини қайтариш тартибда нақд пулсиз тушум улушига боғлиқ талаблар айрим ҳолатларда нақд тушумларни яшириш хавфини юзга келтириши мумкин.

Шунингдек, экологик экспертиза ва компенсация тўловлари билан боғлиқ ортқича тартиб-таомиллар ҳам кичик бизнес учун қўшимча харажат ва вақт талаб қилмоқда. Айрим ҳолатларда компенсация миқдори жуда кичик бўлса-да, улар расмийлаштириш жараёнининг ўзи тадбиркор учун ортқича бюрократик юкка айланмоқда.

Таҳлиллардан кўрииб турилдики, бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий шарти янги имтиёзлар бериш

билан бир қаторда ортқича бюрократик тўсиқларни қисқартириш, ҳуқуқий аниқликни таъминлаш ва давлат органлари фаолиятида "қўллаб-қувватлаш" тамойилини қарор топтиришдан иборат.

Шу маънода, бугун тадбиркорликни ривожлантириш масаласи фақат иқтисодий кўрсаткичлар ёки статистик рақамлар билан эмас, балки мамлакатнинг барқарор иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти билан ҳам бевосита боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари тақдиротда тадбиркорлик учун ортқича тўсиқларни камайтириш, назорат ва тартибга солиш механизмининг соддалаштириш, рақамлаштириш жараёниларини бизнес учун қўлайлик яратадиган самарали воситага айлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, мутасаддиларга мавжуд санноат қувватларини тўлиқ ишга солиш, корхоналарни молиявий соғломлаштириш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда тадбиркорлар учун янада қўлай шарт-шароитларни кенгайтириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Бу, аввало, мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий секторни иқтисодиётнинг асосий драйверига айлантириш борасидаги ислохотлар изчил давом этаётганини кўрсатади. Чунки замонавий иқтисодиёт шароитида тадбиркорга давлат идоралари эшигида сарсон бўлиб юрадиган субъект эмас, балки иқтисодий ўсишни таъминлайдиган асосий куч сифатида қаралиши лозим.

Агар тадбиркор вақт ва ресурсини ортқича бюрократик жараёнларга эмас, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, инновация ва экспортни кенгайтиришга сарфласа, бу бутун иқтисодиёт сарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Бизнес-омбудсман тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органлари билан бизнес ўртқисида очик ва конструктив мулоқотни таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тўққинлик қилаётган тизимли муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш йўналишидаги ишларни изчил давом эттиради.

Амалиётда учраётган муаммоларни таҳлил қилиш, ҳуқуқни қўллашдаги номувофиқликларни аниқлаш, тадбиркорлик муҳитига салбий таъсир қўрсатаётган ортқича маъмурий тартиб-таомилларни қисқартириш ва қонунийликни тақомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш орқали иқтисодий ислохотларнинг самардорлигини таъминлашга ҳисса қўлади.

Бугун тадбиркор учун энг муҳим масала ҳуқуқий қоғалот ва ишончдир. Агар тадбиркор ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига, муаммоси эшитилишига ва давлат органлари билан муносабатларда қонунийлик таъминланишига ишонса, у ўз фаолиятини янада кенгайтиради, янги инвестиция киритади ва янги иш ўринлари яратади.

Билимлар беллашуви

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 30 сентябрдаги "Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида мамлакатимизда илк бор Буюк Шарқ Ренессанси халқаро олимпиадаси ўтказилди. Аждодларимизнинг дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси, юртимизнинг маданияти, адабиёти ва тарихини ўрганишни рағбатлантириш мақсадида ўқувчилар ўртасида ташкил этилган дастлабки олимпиадада Туркия, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистондан иқтидорли 40 ўқувчи қатнашди.



БУЮК ШАРҚ РЕНЕССАНСИ



Мамлакатимизда илк бор шу номдаги халқаро олимпиада ўтказилди

Ўзбекистон терма жамоаси Фан олимпиадалари маркази томонидан тарих фанидан иқтидорли ўқувчилар ўртасида икки босқичли саралаш олимпиадалари натижаларига асосан шакллантирилди. Иштирокчилар тарих, география, адабиёт, санъат ва ислом цивилизацияси йўналишларида икки босқичда беллашди. Биринчи босқичда Шарқ алломалари ижоди ва илмий мероси бўйича чуқур таҳлил ва ижодий ёзма ишлар тайёрланди. Иккинчи босқичда эса тарихий обидалар бўйича илмий-амалий таҳлиллар тақдим этилди. Жараёнда ўқувчи ёшларнинг IX-XVI асрлар оралиғида Марказий Осиё ҳудудида яшаб ижод қилган буюк алломалар ҳаёти ва илмий мероси, шунингдек, минтақадаги ноёб тарихий обидалар ҳақидаги билимлари синовдан ўтказилди. Ҳар икки йилда ўтказилган Фан олимпиадада медаллар ҳамда сертификатлар билан тақдирланди. Ўзбекистонлик 8 иштирокчи

беллашуви 4 та олтин ва 4 та кумуш медаль билан якунланди. — Олимпиада орқали буюк аждодларимиз меросига муносиб ворис эканлигини яна бир бор исботлади, — деди ИХтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги директори Севара Шокирова. — Бу нафақат билимлар синови, балки Шарқ цивилизациясига муҳаббат ва ҳурматнинг ифодасидир. Иштирокчилар учун Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари ва маданий мерос объектларига саёҳатлар ташкил этилди. Ёшларимиз янги дўстлар орттириди, билим ва тажриба алмашди. Ҳар икки йилда ўтказилган халқаро олимпиада фарзандларимизни Шарқ алломалари меросини чуқур ўрганиш ва жаҳон миқёсда тарғиб этиши йўлида бирлаштиради.

Муножат РАҲИМЖОН қизи, журналист

Иқтидор эгалари

ТЕМУР БОБОМИЗ ИЗИДАН

ЁХУД ЁШЛАРИМИЗНИНГ КОНТЕНТ ЯРАТИШДА ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Илму фандаги зақоси, давлатчиликдаги салоҳияти бутун дунёда тан олинган аждодларимиз меросидан куч олиш дунёга кенгроқ очилишга хизмат қилапти. Шунинг учун улар ноини абадийлаштириш, илмий меросини сақлаш борасидаги ишларга жиддий эътибор берилапти. Хусусан, шу йил Амир Темур таваллуҳининг 690 йиллиги муносабати билан алоҳида қарор имзоланиб, апрелнинг "Амир Темур ойлиги" деб эълон қилингани Соҳибқирон шахсига чексиз ҳурматимиз ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари Амир Темур ҳайкали пойга гулчамбар қўйгани, Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюргани эртани эгаларида тарихий шахсларга ҳурмат туйғусини янада оширган бўлса, не ажаб. Катта авлод вақиларининг аждодларимизга чуқур эҳтиромини кўрган ёшларда уларга муносиб ворислик ҳисси ҳам ортиб боради.

ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛОВ КУЧ БЕРАДИ

Андижонлик Аҳмадjon Болтабоев кичкиналикдан юртимиз тарихи, улуг алломаларимизнинг болалиги, ҳаёти ва ижодига қизиқади. Яқинда дунёга машҳур Steam платформасида у яратган "Қилич изидан" деб номланган ўйин кўриниш берди. Ўйинда иштирокчи Амир Темурнинг йўқолган қиличини қидириб топиши керак бўлади. Бу шунчаки бир детал-да, дейишигиз мумкин. Тўғри, дунёвий платформаларда ўзбек ўйинлари кўпайиб борапти. Бу яхши, албатта. Агар уларга миллий қадриятларимиз, ўзлигимиз синдириб борилса, нур устига нур.

Қаҳрамонимиз муаллифлигидаги ўйин графикасида пойтахтдаги Амир Темур ҳайкали, музейларимиз ва буюк алломаларимиз тасвирланади. Умуман, йирик платформада заррадек кўринса-да, бой маданий меросимиз, ўзига хос маънавиятимиз кўрсатиб кетилган. Бу фойдаланувчиларда қайсибир маънода мамлакатимиз ҳақида тасаввур ўйоттиришга хизмат қилади. Аксарият юртдошларимиз изоҳларда бундай ўйинлардан фойдаланишни билдириб, муаллифга омад тилаган.

Аҳмадjon ўйинни яратишга тўрт ой вақт кетгани, кунига 16 соатдан ишлашга тўғри келганини айтди. Аслида, анимация мурраккаб соҳа. Мутахассислар бунда сабр ва фидойилик кераклигини айтди. 22 ёшли қаҳрамонимиз ҳам айрим ёшлар сингари тоқатсизликка бўйин бермади. Лекин ишнинг осонроқ битиши ҳам вақт, ҳам нақднинг тежайди, албатта. Тошкентдаги бобомиз ҳайкали модели сканерланиб, интернетга жойлангани Аҳмадjonга қўл келди. Озгина таҳрирлаб, тиниқлаштирилган ҳолда уни ўйиннинг ичига олиб кирди. Акс ҳолда, Тошкентга келишга ёки пойтахтдаги бирор таълим ҳайкалининг атрофида айланиб, 60-80 та сифатли расм олиб беришни

илтимос қилишига тўғри келарди. Бироқ профессионал суратга олишни ҳамма ҳам уқалдай олмади. Чунки бундай суратларни камида 20 сантиметрдан силжиб юриб олиш керак. Уша кадрлар бирлаштирилиб, 3D модель ҳосил бўлади. Модель тополо-



гик жиҳатдан хунук бўлгани учун дастурга олиб кириб тиниқлаштирилади, сайқал берилади.

— Менга шунча нарсани қаердан биласиз деб савол беришди, — дейди Аҳмадjon. — Бугунги билимларимиз интернетдаги ҳаммага очик видеодрасликлардан, маълумотлардан ўргандим. Видеодрасликларда озгина билим бериб қозғитирилади-да, қолганини пулли курсга қолдиришади. Курсни сотиб олсангиз, тўлиқ билимга эга бўласиз. Лекин мен мустақил равишда охирига етказдим. Ҳозир 15 та дастурда ишлая олам. Бугун дастурчилар учун турли лойиҳалар, танловлар эълон қилинапти, платформалар ишга тушапти. 11-синфини тамомлаганимдан буён фрилансерлик қиламан. Энди сертификат олиб, келажак касблари билан давлат ташкилотларида ҳам ишлашнинг мумкинлигини хурсандман. Мен танлаган соҳада нафақат ўйин яратиш, балки видеомонтаж, визуал эффектлар, мурраккаб ишлар ҳам талаб қилинади. Бунинг учун компьютернинг қанча кучли бўлса, шунча яхши.



Аҳмадjon ҳозирча кичикроқ ёшдаги болалар ўйнайдиган мобил ўйинлар устида ишлаяпти. Бироқ келажакдаги режалари улкан.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҒУРУРИ ЎССИН

Тарихий шахслар иштирокида мультфильмлар яратиш, болажонларга тақдим этишга ҳисса қўшаётган Давлатшох Ҳамроқуллова эса имконият қатта. Чунки у пойтахтдаги нуфузли ташкилотлардан бирида ишлади. Қаҳрамонларимизни бирлаштираётган жиҳат — уларнинг мақсади. Ҳар иккиси миллий руҳдаги контентлар яратиш йўлидан борапти. Мухими, шу аслида. Мамлакатимизда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга кенг йўл очилгани, айтиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш натижасида қўллаб ёшлар бир мақсадда бирлашапти, бир-бирига куч берапти.

— Медиа соҳасини, кино, телевидение ва радио режиссерлиги йўналишини танлаб хато қилмаган эканман, — дейди Давлатшох. — Чунки буларнинг бари одамлар диққат-эътиборида. Айниқса, медиа кундан кунга, соатдан соатга янгилашиб туради. Агар бунда оқим билан бирга сузсангиз, янгиликлар, янги ижодий ишларга шўнғиб кетасиз. Бугун ҳеч бир соҳани сунъий интеллектсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Эндиликда оддий сўзлар билан эмас, кодлар билан ишлаш керак бўляпти. Мисол учун, биргина Жалолиддин Мангуберди ҳақида роллигимизни ишлаш учун 30 дан зиёд AI билан ишлаганмиз.

Ҳа, сунъий интеллект технологиялари анимация ва мультфильм соҳасида ҳам туб бурилиш ясаётганини кўриб турибмиз. Зеро, бу илгари бир неча ой, ҳаттоки йиллар талаб этилган жараёнларни бугун бир неча соат ичида амалга оширишда ҳам яққол сезилади. Инсон омилсиз ҳам тасвирлар аниomatik чизилади, қаҳрамонлар ҳаракатланади, фон ва муҳит шаклланиб, кадрлар ўртасидаги узвийлиқни таъминлайди. Натижада оддий расм ёки видео жонли саҳнага айланапти. Шу маънода, бугун мультфильм ёки анимация яратиш учун катта студия, узоқ вақт, катта жамоа бўлиши шарт эмас. Чунки буларнинг барини сунъий интеллект уқалдади. У ҳаракатни жонлантиради, визуаллаштиради ва бутун бир оддий гофия катта саҳнага айлантиради.

Давлатшох айнан шу технологиялар ёрдамида тасвирларни жонлантириб, тўлиқ мультфильм саҳнасига айлантириш йўлида ишлаяпти. Жалолиддин Мангуберди образига бағишланган анимация болаларда ўзгача қизиқиш уйғотиши аниқ. Зеро, шу пайтгача улуг аждодларимизнинг болалиги, ўсмирлиги ҳақидаги маълумотлар деярли берилмаган. Болалар эса маълумотларни ўз хаёли, тушуңчаси ва ёши даражасида қабул қилишни истади. Шунинг учун уларга Алишер Навоий, Бобур, Амир Темурнинг болалик пайтлари, қандай ўйинлар ўйнагани қизиқ. Шулар ҳақида фикрлашар эканмиз, Давлатшох ўрни келганда яхши бир гап айтди: "Амир Темур таваллуҳи оддидан болаларобор ажойиб бир китобни тақдим қилди. У шонли тарихимиз ҳақидаги шеърлари, достонлари, романлари, драмалари билан танилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Темурбек" тарихий қиссаси асосида, замонавий шаклда — QR-кодлар, турли суратлар билан тайёрланган. Унда Соҳибқироннинг болалик ва ўсмирлик йиллари акс этган".

Қандай ахши! Бир пайтлар фахрланганимиз туғул, аждодимиз дейишга йўл берилмаган, ўта зolim шахс сифатида таърифланган Амир Темурни болалигимиз буюк бобоси сифатида яқиндан таниди. У ҳақида кўпроқ билади. Адолатлилик, ҳалоллик, мардлик, доншманлик каби фазилатларга эга бўлиш истаги уёғондан уларда. Биз эса буюк ўтмишимиз, теран тафаккурли аждодларимиздан куч олаётган иккала ижодкорга ҳам бу йўлда баркамоллик тилаймиз. Чунки, уларнинг қалб кўри билан яраётган ҳам бир контент замонавий технологиялар ва ижод уйғунлиги натижаси. Шунингдек, бу имкониятлар даврининг, тинчлик, дорилмонликнинг, шу кунлар учун курашганлардан қарздорлик ҳиссининг амалдаги ифодаси.

Муножат МҶМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Инсон қадри

Яқинда давлатимиз раҳбари аҳолини, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматлар камрови ва сифатини ошириш, шунингдек, бу соҳадаги қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар тақдимоти билан танишди.

Тақдимотда руҳий ҳолатида бузилишлари мавжуд ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли иштирокчини таъминлаш, оила муҳитига яқин шароитда комплекс хизматлар кўрсатиш, парвариш билан банд бўлган оилаларни қўллаб-қувватлаш асосий мақсаддир.

2026 йил 1 июнда қадар уч ёшга бўлган, ривожланишида нуқсонлар аниқланган болалар учун илк бор "Эрта аралашув" хизмати босқичма-босқич жорий этилади. Бу қандай тартибда амалга оширилади?

— Бу билан шу ёшдаги болаларнинг ривожланишида камчилик ва нуқсонларини эрта босқичда аниқлаш механизми йўлга қўйилади, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бош мутахассиси Фарҳод Комилов. — Оилавий поликлиникаларда болалар скрининг текширувлардан ўтказилади. Агар бола ривожланишида орқанда қoлишлар кузатилаётган бўлса, шифокоҳ уни дарҳол Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига йўналтирилади. Агентлик томонидан бу болалар "Эрта аралашув" хизматларига қамраб олинади. Натижада ногиронлик даражаси камайишига эришилади. Ушбу хизмат орқали махсус педагоглар ва даволоччи жисмоний тарбия йўриқчилири иштирокида болаларга коррекцион-педагогик ёрдам, нуқт ва жисмоний ривожлантириш машғулотлари кўрсатилади. Бирламчи нуқсон бор бўлса, иккиламчи нуқсонга, оғир даражадаги ногиронликка ўтиб кетишининг олди олинади. Бирламчи ногиронлик аниқланиб, ўз вақтида тегишли хизматлар жалб этилса, махсус педагог



этилади. Натижада келгусида қиммат коррекцион хизматларга эҳтиёж камаяди. Хизмат нодавлат ташкилотлар томонидан махсус электрон реестр асосида йўлга қўйилиши, анатомик нуқсонлар билан тузилган болаларнинг қўшимча тиббий текширув ва жарроҳлик харажатлари Давлат тиббий

хизматлар жорий этилиши айтиб ўтилди. "Янги кун" кундузги қараб туриш хизмати, уй шароитида қараб туриш хизмати, кичик ҳажмли "Мадад" уй хизмати ва "Ижтимоий таътил" қисқа мuddатли жойлаштириш хизмати йўлга қўйилиши режалаштирилган.

сугурта жамғармаси ҳисобидан қопланиши қўзда тутиляпти.

Тақдимотда руҳий ҳолатида бузилишлари мавжуд I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳам 2026 йил давомида босқичма-босқич янги ижтимоий

Қараб туриш ва парвариш қилиш, кундулик ҳаёт кўникмаларини шакллантириш, маиший ишларга ўргатиш, касб ва молиявий ҳисоб-китоб кўникмаларини ривожлантириш орқали оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бу хизмат турлари ўз ичига нималарни олади?

— Янги тартибга кўра, "Мурувват" интернет уйларида туртга ташхисдаги беомалар қабул қилинади, — дейди Фарҳод Комилов. — Республика бўйича "Мурувват" интернет уйларида жойлаштирилиши мумкин бўлган ташхисдаги 72 миң бемор бор. Шундан бор-йўғи 8 миңга "Мурувват" интернет уйларида хизматлар билан қамраб олинган. Қолганларига эса фақат психиатрия шифохоналарида доволаб, тиббий ёрдам кўрсатилади. Улар учун ижтимоий хизмат йўлга қўйилмаган. Бу контингентнинг камров даражаси оширилади. Мисол учун, уй шароитида қараб туриш хизматида ҳам оилага қўшимча кўмак берилади. "Ижтимоий таътил" қисқа мuddатли жойлаштириш хизматида ижтимоий реестрда турган ногиронлиги бўлган шахслар бир йилда бир марта ижтимоий таътилга чиқиши мумкин. Рухиятда нуқсон бўлган оила аъзосини ижтимоий таътил хизматида бериб, саломатлигини тиклаш мақсадида 14 кун давомида санаторийда доволаниши, тўй, аза каби маросимларни ўтказиши, сафарга чиқишига имконият яратилади. Бу оилани психолог қўллаб-қувватлашда муҳим.

"Мадад" уйи 24 соатлик хизмат бўлиб, тадбиркорлик субъектлари томонидан ташкил этилади. Хусусий сектор иштирокида саккиз-ўн кишига мўлжалланган кичик ҳажмли уйлор очилади. Ногиронлиги бўлган шахслар учун бу хизмат оилавий муҳитда ташкил этилади, индивидуал ёндашув эса уларнинг

ЭХТИЁЖМАНД ФУҚАРОЛАР УЧУН МУНОСИБ ҲАЁТ ТАРЗИ

салоҳияти рўёбга чиқишига кўмаклашади. Улар меҳнат терапияларига жалб қилинади. Бу кичик ҳажмли мадад уйларида фақатгина парвариш, қараб туриш билан чекланмасдан, беморни ижтимоийлаштириш, жамиятга қўшиш, изоляциядан қочиш, унинг маҳалла, ижтимоий ҳаётга кўпроқ иштирок этишини таъминлашга эътибор қаратилади.

Мазкур янги хизматлар давлат-хусусий шериклик асосида малакага эга бўлган ва зарур талабларга жавоб берадиган нодавлат ташкилотлар томонидан кўрсатилади. Бу орқали 2026 йилда руҳий ҳолатида бузилиш мавжуд 8,3 миң шахсни янги хизматлар билан қамраб олиш, 600 тагача нодавлат ташкилот ва яқна тартибдаги тадбиркорни ижтимоий хизмат кўрсатишга жалб этиш режалаштирилади. Янги хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан субсидия шаклида қоплаб берилади.

2026 йил 1 сентябрдан бошлаб 18 ёшдан катта чуқур даражадаги ақлий заифлик ташхис қўйилган шахсларнинг парвариши билан банд бўлган қонуний вақилар учун оила парваришига нафақаси жорий этилади.

— Фуқаронинг мурожаати асосида 18 ёшдан катта бўлган чуқур даражадаги ақлий заиф, ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам парвариш нафақаси жорий этиляпти, — дейди Фарҳод Комилов. — Янги ногиронлиги бор оила мурожаат қилиб, "Мен мана шу нафақадан фойдаланмоқчиман", деса, шартнома тузилади. Шартномада унинг мажбуриятлари белгиланади. Оила аъзоси бўлган беморни парваришга, бу оила қўшимча қўллаб-қувватланади. Уйда уч соатлик парвариш хизматини жалб қилиш, нафақа бериш мумкин.

"Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари ваколатлари ҳам кенгайтирилиши ижтимоий ҳимоя тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. 2026 йил 1 июндан бошлаб уларнинг ходимлари туман ва шаҳар ҳокимликлари хузуридаги вазийлик ва ҳомийлик комиссиялари таркибига киритилади. Шунингдек, руҳий ҳолатида бузилиш мавжуд шахсларга тайинланган васий ва ҳомийлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши, ушбу шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, мол-мулкнинг муҳофазаси, уларга инсонбон тазий ҳақда ўрғовонлик ҳолатлари мунтазам мониторинг қилиб борилади. Бу инсонпарвар ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Интернат муассасаларини трансформация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган. Тақлифларга кўра, "Мурувват" интернет уйлари босқичма-босқич "Ғамхўрлик" марказларига айлантирилади.

Мутахассиснинг тушуңтуришича, бу билан нафақат ном ўзгаради, балки мазмун ҳам янгиланади. "Мурувват" уйига илгари фақат тиббий муассаса сифатида қаралган. Тиббий реабилитацияга ургу берилган. Вақоланки, бу даволан ёки тиббий эмас, балки ижтимоий хизмат кўрсатишга муассаса бўлиши керак. Ижтимоий ёндашув асосида қайта ташкил этилаётган муассасада шу ерда яшовчилар имкониятларидан қилиб чиқиб, турли терапияларга жалб қилинади. Улар ўзларининг қўллари билан ясаётган махсулотларини реализация қилиш имконига эга бўлади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматлар камрови ва сифатини ошириш мамлакат таррақиятида муҳим аҳамиятга эга. Бу янги имкониятлар яратиши баробарида инсонини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, эҳтиёжман фуқаролар учун муносиб ҳаёт тарзини вужудга келтирадиган, салоҳиятини рўёбга чиқарадиган, адолатли ва барқарор инклюзив жамият сари дадил одим дамқадир.

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



Фарғонанинг қадимий тупроғида бугун шунчаки бинолар қурилмапти, бу ерда янги давр одамларнинг ҳалол тафаккури, табиати юксалмоқда. Қадок қўллар, пешоналардаги тер, юзлардаги фариштали самимият ва эртанги кунга қатъий ишонч — буларнинг барчаси яхлитлашиб, чинакам янги Ўзбекистоннинг уриб турган иштиёқманд юрагига айланмоқда.



Юртимиз бўйлаб



“Қадимий ва навқирон Марғилон... Бу шаҳарга қадам қўйиши билан инсон вужудида ажиб бир ҳиссиёт уйғонади. Айнан шу ерда, 35 гектар майдонда қад ростилаган Бурхониддин Марғиновий илмий-маърифий ва туризм мажмуаси қалбимизни айрича тарзда титратиб юборди. Қиймати 1,7 триллион сўмлик бу мўъжаз шаҳарча фақатгина иншоотлар тўплами эмас, ўтмиш билан бугуннинг юзлашуви гўё.

инсониятнинг табиат олдидаги қарзини узишга қаратилгани эса қувонарли: ёмғир ва оқова сувлар қайта ишланиб, ишлаб чиқаришга йўналтирилади, чанг ютиш мосламалари ҳавони тоза сақлайди. Электр сарфи 20 фоиз камайтирилгани, кундуз пайти чироқлардан воз кечилиб, табиий

Яна бир гап. Бу мажмуага ҳар бир юрдошимиз имкон топиб, албатта, келиши керак.

Халқимизда энг олий қадрият нима? Албатта, оиласи, фарзандларини ҳалол меҳнат билан боқиб. Қува туманидаги “Қува агро-стар” корхонасида бўлган, айни шу қадрият халқроқ стандартларга улашиб кетганига гувоҳ бўлдик. Йилга 5 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш, сақлаш ва қадоклашни ягона тизимга бирлаштирган бу мажмуа чинакам маънода миллий бренд яратмоқда. Халқроқ “Global G.A.P.” ва “Halal” сертификатларига эга маҳсулотлар ўтган йили илк бор Япония ва Жанубий Корея каби “инжиқ” бозорларга кириб борди. Олди деҳқон 10 сотих ердан 250 миллион сўм даромад топаётганини кўриб, ернинг қадри, меҳнатнинг завқи нима эканини вужудингиз билан ҳис қиласиз. Корхо-

сув минералларга бойиб, тўғри узумзорга боради, қорамолларнинг органик чиқиндисини ерни озиклантиради, панеллар эса ҳамма жараёни қувват билан таъминлайди. Табиатнинг бундай мукамал, ёпиқ айланма занжири инсон ақли билан бирлашиб, 110 гектар ерда 2,5 миллион долларлик экспорт мўъжизасини яратмоқда. Мазкур ёндашув энди бутун республикага тарқалади. Мутасаддиларнинг билдиришича, бу бўйича давлатимиз раҳбари айни манзилга ташрифи чоғида топириқ берган.

Йўл чарчоклари Қувадаги “Каркидон” сув омборига етганимизда зумда тарқаб кетади. Яшил қирлар ўртасида ястаниб ётган кўм-кўк мовий сув кишига шундай бир сокинлик берадики, шаҳарнинг шовқин-суронидан оз-моз толиққан кўнгил ором топади. Бу туризм мажмуаси эртага Фарғонанинг “Швейцарияси”га айлани-

“ФАРҒОНА ДЕМАНГИЗ, ПАРИХОНАДУР”

Фарғона... Захириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”сида унинг атрофи тоғлар билан ўралгани, феруза конлари, иқлими, сувлари, шаҳарлари ва машҳур кишилари ҳақида ишончли баён қилади. “Мухтасар вилоятдур, ошлиқ ва меваси фаровон”, дейди.

Учоқ зиналаридан тушиб, бизни кутиб турган мезбонлар сари юрарканман, то етиб боргунча дарров қўлимга телефонимни оламан-у, асарнинг шу жойларини топиб ўқийман. Сўнг бошимни кўтараман, юзимга урилаётган водий шамолдан тафаккуримда ўтмишнинг улғувор нафасини, балки мутлақо янги, шиддатли ва бунёдкор, юрак уришига ўхшаган айрича депсинишни ҳис қиламан.



Шерзод ҚОРАБОВ ошган суратлар.

5-6 май кунлари Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, вилоят ҳокимлиги ҳамда ОАВ учун контент тайёрлаш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган “Фарғонада янги Ўзбекистон нафаси” пресс-тури доирасида бу мўъжизакор водийни кезиб, қозғолардаги рақамлар ҳаётга кўчиб, жонли нафас олаётганига гувоҳ бўлиб қайтдик.

Мамлакатимиз етакчисининг жорий йил 27-28 апрель кунлари вилоятга ташрифи доирасида белгилаб берилган вазифалар, амалга оширилган ҳамда жараёндаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар силсиласига шўнғирканмиз, журналист ўлароқ ўзимизни муазам ижтимоий асарининг — инсон қадри, мардонвор меҳнат ва ёруғ келажак ҳақидаги эпопеянинг тамал тоши қўйилаётган сахналарига тургандек ҳис қила бошладик. Гапимизнинг муболагаси йўқ.

Дастлабки манзилимиз шаҳар бағрида қад ростилаган замонавий мажмуа — Фарғона шаҳридаги АТ парк бўлди. Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил август ойидаги ташрифи чоғида берилган топшириқлар асосида барпо этилган бу салобатли иншоот ичига қадам қўйиши билан мутлақо бошқа ақл ўлчамига тушиб қолгандек бўласиз. Бир вақтнинг ўзида 200 йилгизни бағрига чорлайдиган айни даргоҳда рақамли олам асрларининг ўзлаштириётган ёшларнинг кўзларини кўриб, хурсандчилик туясиз.

Тасаввур қилинг: йилга 3 мингдан ортиқ ёшни ўқитиш, ғоядан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёнларга жалб этиш учун яратилган бу замонавий коворкинг марказида меҳнат қайнаб бошлайди. Аслида, охириги йилларда вилоят миқёсида АТ хизматлар ҳажми тўрт баробар ўсиб, экспорт 23 миллион доллардан ошгани ҳам Фарғона ёшларининг уйларида ўтириб дунё бозорини забт этаётганининг амалдаги исботи. Ҳозир 139 та резидент компанияга эга бўлган бу мажмуа 2025 йилда 22,7 миллион долларлик хизматларни экспорт қилишга улгурди. Келгусида резидентлар сонини 200 тага, экс-

порт ҳажминини эса 30 миллион долларга етказиш кўзда тутилган. Сунъий интелект хаби, венчур фондлар, акселерация дастурлари... Буларнинг барчаси Фарғонанинг эртанги кунни фақатгина экин-тикин, оғир санаотдан эмас, балки интелектуал салоҳиятдан ҳам сув ичишини кафолатлайди.

Ижодий сафаримиз йўналиши сармоёлар ва гоёлар учрашадиган манзил — Инвесторларга хизмат кўрсатиш маркази томон бурилди. Беш гектар майдонни эгаллаган “Фарғона экспо” мажмуаси бир қараганда қадимий Ипак йўлидаги карвонсаройларнинг замонавий, муҳташам

реал заводларга айланган ўзига хос инкубатордир. 200 дан ортиқ ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини намоён этиётган бу жойда давлат идоралари, тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар бир столда ўтириб, Фарғонанинг эртанги иқтисодиётини аллақачон чиза бошлаганига гувоҳ бўлдик.

Журналистлар билан тўла автобусимиз йўлни Қувасойнинг тоғли худудлари сари қувиб боради. Қўзлаган манзилимиз — “Сrown Ceramic” қўшма корхонаси. Завод худудига кириб, бир қарашда қўлоқни қоматга келтирувчи, лекин кишига бошқача бир шижоат бағишловчи тошлар шовқини оғушига тушдик. Бу ерда меҳнат мўъжи-

ёруғликдан фойдаланилаётгани ҳар бир қарич ер, ҳар бир киловатт энергия увол қилинмаётганидан далолат. Италия ва Испанияники билан бемалол беллашаётган Фарғона плиталари бугун Қирғизистон ва Тожикистон биноларига кўрк бағишламоқда, эртага эса бутун Европага йўл олади. Корхона раҳбарларининг айтишича, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми жиҳатдан ўхшаши нафақат минтақада, балки бошқа қитъаларда ҳам йўқ. Улар давлатимиз раҳбари корхонага ташрифи чоғида, аввало, завод маҳсулотлари билан ички бозорни таъминлаш борасида топшириқ бергани, ҳозир шу бўйича ҳаракатлар кетаётганини айтди. Очиғи, мамлакатимиз етакчисининг бундай топширигидан қўйидаги ҳаётий ҳикматни илғадим: ўз тупроғимиздан чиқаётган шундай ноёб тошлар, аввало, ўз биноларимизни безасин.

Рухият манзили

Қадимий ва навқирон Марғилон... Бу шаҳарга қадам қўйиши билан инсон вужудида ажиб бир ҳиссиёт уйғонади. Айнан шу ерда, 35 гектар майдонда қад ростилаган Бурхониддин Марғиновий илмий-маърифий ва туризм мажмуаси қалбимизни айрича тарзда титратиб юборди. Қиймати 1,7 триллион сўмлик бу мўъжаз шаҳарча фақатгина иншоотлар тўплами эмас, ўтмиш билан бугуннинг юзлашуви гўё.

Карвонсаройлар, хунармандлар маркази, миллий бозор оралаб юрар эканман, димоғимга исирик ва ёғоч исми урилгандек, қўлоғимга хунармандлар дастоҳларининг ритмли овози қуйилгандек туюлди. Айниқса, мени — бир ижодкорни ҳаммадан кўра кўпроқ тўқиланган жойи мажмуадаги “Оттабек ва Қумуш уйи” музейи бўлди. “Ўткан кунлар” романининг ҳар бир саҳифаси бу ерда гишт ва нақшага айланиб, жонланган турганга ўхшайди. Мен уч марта қайта ўқиган муазам романдаги ўша таниш дарвоза, ўша муҳит... Тўқилганиб кетмаслигининг, қабоққа ёш тикилмаслигининг иложи йўқ. Таассуротларимни фақатгина у ерда бўлганларига тасдиқласа керак, назаримда.

Бошқача ҳиссиётлар билан автобустга қайтарканмиз, дирекция масъул ходимининг сўзлари ёдимда қолди: “Мажмуа йилга 250 минг хорижий сайёҳни жалб этиши кутилмоқда”.

на қамровни янада кенгайтириб, янги экспорт географиясини очиш бўйича тинмай ҳаракат қилипти. Айниқса, бу ҳаракатлар яна халқимизга хос фазилат — исрофни ка-



майтиришга асослангани билан ҳайрон қолдиради. Масалан, корхонада ҳосил қўпигидан ёки шамол туфайли тўқилган мевалар йиғилиб, инновация асосида данадан егулик, пўчоғидан ўғит ва ёқилги олинмоқда.

Кўш тиккага келган... Кетиб борарканмиз, автобусимиз йўл бўйидаги мўъжизавий бир майдонда тўхтади. Бу — агроволтака. Бир қарашда худди фильмлардаги манзарани эслатади: тепада қушдан энергия сўраётган минглаб ялтироқ панеллар, уларнинг остидаги салқин сояда эса яшнаб турган “аватар” узумлари ва нарироқда ўтлаб юрган зотдор қорамоллар.

Қаранг, юртимизнинг жизгинак қуёши энди нафақат электр бермоқда, балки экинларга соя ташлаб, тупроқ намлигини асрамоқда. Австриянинг замонавий ёмғирлатиб суғориш тизими туфайли сув 40 фоиз, ўғит 35 фоиз тежаллиб, ҳосилдорлик 25 фоиз ошган. Балиқ етиштириладиган ҳовулардаги

ишора бор. Мен эса айнан шу жумлани сафарномага сарлавҳа қилиб олмоққа аҳд қилдим.

Чунки Фарғонанинг қадимий тупроғида бугун шунчаки бинолар қурилмапти, бу ерда янги давр одамларининг ҳалол тафаккури, табиати юксалмоқда. Қадок қўллар, пешоналардаги тер, юзлардаги фариштали самимият ва эртанги кунга қатъий ишонч — буларнинг барчаси яхлитлашиб, чинакам янги Ўзбекистоннинг уриб турган иштиёқманд юрагига айланмоқда. Буни шунчаки ақл билан англаб бўлмайди. Буни шу шамолдан нафас олиб, шу халқнинг кўзларига боқиб, фақатгина юрак орқали ҳис қилиш мумкин. Фарғона гулламоқда. Фарғона юксалмоқда. Бу юксалиш бизнинг — барчамизнинг муштарак ёруғ кунларимиз далолатдир.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“2025 йилда бунёд этилган ва йилга 8 миллион квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир ушбу завод 1 триллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш ва 35 миллион долларлик экспорт салоҳиятига эга. Хомашёнинг 97 фоизи ўзимизники — Қувасой ва Ангрэн конларидан келтирилади. Бир кунда 600 тонна тош ва 200 тонна каолин шу ернинг ўзида сараланади, тозаланади.

кўриниши ўлароқ таассурот қолдиради. Саккиз қаватли иншоот фақатгина кўрғазма зали эмас, гоёлар пулга, сармоёлар эса

заси юз бермоқда: оёқ остидаги олди сой тоши, тоғлардаги қизил ва кулранг каолин қадок қўли ишчилар ҳаракати ва замонавий технологиялар сеҳри билан жаҳон бозорларини лол қолдирадиган керамогранит плиталарга айланмоқда.

2025 йилда бунёд этилган ва йилга 8 миллион квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир ушбу завод 1 триллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш ва 35 миллион долларлик экспорт салоҳиятига эга. Хомашёнинг 97 фоизи ўзимизники — Қувасой ва Ангрэн конларидан келтирилади. Бир кунда 600 тонна тош ва 200 тонна каолин шу ернинг ўзида сараланади, тозаланади. Заводадаги ёпиқ занжирли экологик тизим

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546.
30570 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов
Мусахҳис: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 04:10 Топшириқди — 04:15



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

